



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
24-dekabr
chorshanba
№ 49 (1475)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ФАХР

ЮРАК ТУБИДАГИ ЭНГ НОДИР ГАВҲАР

О, ОТА МАКОНИМ, ОНАЖОН ЎЛКАМ...

Ушбу сатрлар жарангидан юраклар бир қалқиб тушади. Бейхитёр кўз ўнгингизда жонажон Ватанимизнинг ёрқин суратию сийрати намён бўлади. Рухиятингизда Ватан ҳеч қачон охори тўқилмайдиган мангу битик эканини ҳис қиласиз. Алқисса, юрагимизнинг энг тубида нодир гавҳардек асраб юрганамиз, эътиқод ила сажда қиладиганимиз Ватан бизга тил-забон берди, ақл-идроқли қилди, тафаккуримизни чарқлади, миллий эътиқодимизни тарбиялади. Шунинг учун ҳам Ватан энг улуг туйғу ва у онадек қадри ва муҳтарам.



Шоир айтганидек, ота маконимиз, онажон ўлкамиз Ўзбекистонимиз бугун яна бир йилни яқунлаб, янги орзу ва ниятлар билан Янги йилга қадам қўймоқда. Келинг, ёшларимизнинг биз барпо қилаётган Янги Ўзбекистонни қуришга қўшаётган ҳиссаси ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида фикр юртайлик. Юртимизнинг эларо маълуму машҳур бўлиб бораётганида, албатта, илмга интилувчи, маънавиятли ва шижоатли ўғил-қизларимизнинг ҳиссаси беқийс.

МЕҲР УЛАШАЁТГАН БОЛА

Ишга шошиб кетаётгандим. Бир бола қўлини кўксига қўйиб, салом берди. Сўрашдик. Кейин у менга бир донна конфет узатди. "Ҳаммага ширинлик улашиб юрибман" деди. Би-

ласизми, дарҳол юзимга табассум югурди. Елкадаги ташвишлар аригандай бўлди. Нимадандир қувониб кетдим. Рухим осмонда гўё қуёш чарқлаётгандай эди. Бола эса ҳалиям қўлидаги конфетни тугиб турарди.

— Олинг, амаки, ҳаётингиз ширин бўлсин! Нотаниш бола қўлидан ширинликни олар эканман, у билан танишишга ҳам улгурдим. Элёр Нуриллаев Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани Тинчлик маҳалласидан экан. Шу йил мактабни битириб, Тошкент шаҳридаги "Миллат умиди" халқаро университетига ўқишга қабул қилинибди. У университетда инглиз тилини янаям мукамал ўрганиш учун ўқишга кирибди.

Айтмоқчи, ундан келгусида ким бўлмоқчисан, деб сўраганимда "миллатнинг умиди

бўлмоқчиман" деган жавоби кўнглимни тоғ янглиғ юксалтирди. Кейин у бироз ўйланиб турди-да, "ким бўлишимдан қатъи назар элга нафим тегадиган одам бўлмоқчиман" деди. Ва нега одамларга ширинликлар ҳақида қилиб юрганининг сабабларини изоҳлашга тушди.

— Мен ширинлик улашиб, халқимиз юзиде озгина бўлса-да, табассум уйғотишни истаيمان, — деди у. — Элнинг қувончи биз каби ёшларнинг қувончи-да. Одамлар қалбидеги байрамона шукҳага менинг ҳам камтарона ҳиссам қўшилиса дейман. Ширинликлар бу меҳр рамзи. Ахир бир-биримизга меҳр улашишдан ҳам улуг нарса борми? Ширинликлар меҳр бўлиб, шу жонажон ўлканинг сувини ичган ҳар бир киши юрагини илитса, шу эмасми оқибат!

Элёрнинг ордидан қараб турдим. У йўлида учраган ҳар бир кишига ширинликлар улашар, ҳадяни қабул қилиб олган одамлар юзидеги табассум эса ниҳоятда гўзал эди...

Биз доим ёшлар ҳақида гап кетса, салбий фикрларни қалаштириб ташлаймиз. Қўлоғида "наушник", қўлида телефон, китоб ўқимайди, кексаларнинг гапига қулоқ осмайди деймиз. Биз қўпинча ёшлар билан боғлиқ салбий иллатларга кўпроқ ургу берамиз. Аслида эса ўғил-қизлар орасида Элёр каби бир неча хорижий тилларни мукамал билладиган, шу билан бирга маънавиятни, маданиятни, миллий қадриятларни унутмаган, юрт эртасига даҳлдорлигини юракдан ҳис қилладиган фарзандларимиз жуда кўп.

Дарвоқе, бугун ўғил-қизларимиз орасида чет тилларни ўрганишга қизиқиш охиб борапти. Бу дунё билан интеграциялашиб бораётганимиз ва ўзбек ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини курсатадиган омиллардан биридир. Биргина мисол, сўнгги 3 йилда тил ўрганаётган йигит-қизлар сони 2 миллион нафардан ошгани уларнинг эҳси ўткир ва қўбилиятли эканидан далолат бериб турибди. "IELTS" имтиҳони тил ўрганишнинг муҳим мезони. Бу имтиҳондан юқори баъл олган ёшларимиз сони 5 қарра ошгани ҳам юқоридеги фикримизни тасдиқлаб турибди. Биласизми, юртимиздаги ёшлар сисёвати халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилаётгани кишини бир қувонтира, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ёшлар – 2030" стратегиясини жадал амалга ошираётган 10 та давлат қаторидан жой олгани янада кўнглиларни ўстиради.

8-6

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

“Менинг армиям – менинг фахрим!”

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қўролли Кучларимиз ташкил этилганининг ўттиз тўрт йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан “Менинг армиям – менинг фахрим!” республика танлови ўтказилиши эълон қилинади.



Танловга “Миллий армия – Она юрт қалқони, тинчлигимиз посбони!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган журналистик материаллар, ёзувчи ва шоирларнинг асарлари қабул қилинади.

“Менинг армиям – менинг фахрим!” танлови қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. ОАВ вакилларининг журналистик материаллари бўйича; (бу йўналишда босма ОАВ, интернет нашрлари ва телеканаллар журналистлари иштирок этишлари мумкин)

2. Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича.

Эслатма: ҳужжатлар электрон тартибда қабул қилинади.

Ижодий ишларга қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг паспорт (ID карта) нусхаси;

– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2025 йилнинг 20 январидан 2026 йилнинг 3 январигача бўлган даврда эълон қилинган материаллар – асарлар 2026 йилнинг 5 январигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Қўролли Кучлари ташкил этилганининг ўттиз тўрт йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар “Менинг армиям – менинг фахрим!” танловига деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги электрон манзилларга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, 100011. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 71 244-64-62 (+998 99 466-10-25 рақамдаги телеграм манзил)

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, 100066, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, Адилбар хиббони. Тел.: 71 231-24-46 (+998 99 090-06-74 рақамдаги телеграм манзил)

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

ЧОРТОҚ ЧИНОРИ

ёхуд фидойи инсон, таниқли қурувчи Бойдада ЖЎРАБОЕВ ҳақида сўз



2-6

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Янги йил арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи асосиз оширилишининг олди олинади

Рақобат қўмитаси йирик савдо тармоқларини Янги йил байрами арафасида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Маълум қилинишича, қўмита томонидан Янги йил байрами арафасида кескин талаб ошадиган ижтимоий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш бўйича чакана савдо тармоқларига (“Korziinka”, “Makro”, “Navas”, “Baraka”, “Magnit”, “Ассорти”, “В1” ва “Магнит”) етказиб берувчи корхоналар томонидан нархларни ўзгартириши, логистика харажатлари ва бошқа нархнинг ошишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар тўғрисида қўмитани тезкор ха-

бардор қилиб бориш ҳамда етказиб берувчиларни нархларни асосиз оширишга йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантириб боришлари бўйича кўрсатмалар юборилди.

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари — аҳоли истеъмолнинг асосий рационини



ташқил қилладиган, улар бўйича ички бозорда талаб ва таклифларнинг мавсумий ҳамда бошқа кескин ўзгаришлари кузатиладиган озиқ-овқат маҳсулотларидир.

Буларга, биринчи навбатда, гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти), ўсимлик ва ҳайвон ёғи, шакар, ғалла, ун, картошка, сабзи, бошпиёз ва рўйхати Республика комиссияси томонидан тасдиқланган бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кирди.

Бундан аввал Рақобат қўмитаси тадбиркорларни янги йил арафасида чегирмалар ва ақциялар ўтказиш қоидаларига риоя қилишлари зарурлиги ҳақида огоҳлантирганди.

Манба: daryo.uz нашри

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ТАЛАБАЛАР ЖОНЛИ ЭФИРДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ҳамда “Истиқлол” телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Бухоро давлат университети филология факультети ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар (журналистика) йўналишида тахсил олаётган талабалар учун навбатдаги ижодий амалий машғулот бўлиб ўтди.

Амалий дарс жараёнлари “Истиқлол” телерадиокомпаниясининг жонли эфирда ташкил этилди. Талабалар “Тушлиқда” дастурининг тайёрланиши ва олиб бориш жараёнини бевосита кузатишди. Бошловчи Мадраҳим Турдиев иштирокидаги мастер-классда эфир маданияти, жонли эфирда мулоқот олиб бориш, тезкор қарор қабул қилиш ва импровизация каби муҳим журналистик кўникмалар амалий мисоллар орқали тушунирилди. Турли соҳа вакиллари иштирокидаги суҳбатлар мисолида дастур формати ва мазмунни бошқариш усуллари кўрсатиб берилди.

Амалий машғулот якунида телерадиокомпания раҳбари Хуршид Бозоров томонидан тала-



балар учун махсус жадвал ишлаб чиқилиб, мазкур дастур орқали жонли эфирда ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлиши маълум қилинди.

Бу ташаббус ёш журналистлар учун назарияни амалиёт билан боғлаш, эфир муҳитига мослашиш, масъулиятни ҳис этиш ва профессионал маҳоратни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

“ЁШ МОБИЛОГРАФЛАР МАКТАБИ”ДА

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги ОАВ учун контент тайёрлаш маркази ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан “Ёш мобилографлар мактаби” лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув курсида айна пайтда 50 нафардан ортиқ ёшлар машғулотларда мунтазам қатнашмоқда.

Мазкур “Ёш мобилографлар мактаби” лойиҳаси медиа соҳасига қизиқувчи, видеоконтент яратишни ўрганиш истагида бўлган ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, уларни замонавий касбларга йўналтириш мақсад қилинган.

Жараёнда медиасаводхонлиқни ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ахборот яратишни ўргатишга қаратилган қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар ёшлар орасида контент яратиш кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий тармоқларда масъул ва ишончли ахборот тарқатиш маданиятини ривожлантириш, фейк хабарларни ажратиш ва манбаларнинг ишончилигини баҳолаш каби муҳим йўналишларни қамраб олган.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси Отабек Аслонов ушбу “Ёш мобилографлар мактаби” иштирокчилари билан мулоқот қилиб, уларга бугунги медиа оламдаги янгиликлар, соҳада амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнда ёшларнинг ўрни хусусида атрафлича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

4-6

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ЧОРТОҚ ЧИНОРИ

ёхуд фидойи инсон, наманганлик таниқли қурувчи Бойдада ЖЎРАБОЕВ ҳақида сўз

Ушанда кузнинг ўрталари эди. Наманганда бўлиб, Бойдада ака билан дилдан суҳбат қурган эдик. Гап орасида ўшини сўраб билсам, декабрь ойининг охирида қутлуг ёшга тўлар экан.

Ўтган ҳафта "Chortoq Mineral Water" кўшма корхонаси асосчиси Баҳодир Абдураимов билан учрашиб, ундан қаҳрамонлик ҳақида сўрадим.

— Бойдада ака тўғрисида ҳар қанча яхши гапларни ёсангиз арийди, — деб у мамнун бўлди. — Бойдада акамизга ҳурмат, меҳр дами раҳматидан бизларга мерос қолган. Кўп инсонийлик фазилатлари ҳам дадамникига ўхшаб кетади. Жуда ҳалол, ўз ишига пухта. Берилган ваъдасига содиқ туради.

Баҳодир Абдураимовнинг айтишича, қурувчи касбини танлагани ҳам Бойдада ака сабабчи бўлган экан.

— Қурувчилик ўлмас касб, хайрли иш, қурувчи доимо нимадир бунёд этиш умидида яшайди, — деди ҳам суҳбатим. — Қурилиш сир-асорларини ҳам Бойдада акамдан ўрганганман. Дадам раҳматли ҳаёт пайтларида бир ишни бошлашдан аввал ундан маслаҳат, дуо олардим. Энди ҳар бир ишда Бойдада акамиз бизга маслаҳатгўй. Табаррук ёшда бўлсалар-да, ғайрат-шижоатли инсон. Тенгқурлари орасида энг юмушлари кўп, банд одам десам ҳам бўлаверади. Ҳаракат сихат-саломатликни мустаҳкамлайди. Ҳар йили бир марта чет элларга саёҳат қилиб, дам олиб келади. Шунга хурсанд бўламан.

Оиламиз билан Тошкентда яшасак-да, бир неча муддат Чортоқдаги мактабда ўқиганман. Аям раҳматли: "Баҳодиржон болам, қишлоқдан уйлангин, — дея тақорор-тақорор дуо қилардинг. — Қишлоқдан уйлансанг, мен оламдан ўтгач, келин билан келиннинг қадрини ҳам зиёрат қиласан", дердилар. Аямнинг дуолари ижобат бўлиб, қишлоғимиздан уйландим. Ҳар гал Чортоққа борганимизда, онажонимизнинг қадрини зиёрат қиламиз. Ўтганларни эслаймиз...

Дастлабки тадбиркорлигимни кичик тикувчилик чеки ташкил қилиб бошлаганман. Ишлаб чиқаришда ҳикмат кўп, қизиқарли ҳамда доим изланиб, ҳаракатда бўласан. Одамларга иш берасан, уларнинг қозони қайнайди, савоб олинади. Бугунги кунда "Chortoq Mineral Water" кўшма корхонамизда уч юздан ортиқ киши ишламоқда. Улар яхшигина меҳнат шариоитлари, каттагина ойлик маошлари билан таъминланган.

Дадамнинг: "Ўз туғилган жойинг учун фойдала бир иш қилсанг, яхши бўларди", деган тақлифи сабабли Чортоқда "Chortoq Grand Resort" соғломлаштириш ва дам олиш мажмуасини қуряпмиз, — деди Баҳодир Абдураимов ҳикоясини давом эттириб. — Насиб этса, мажмуа келгуси йили фойдаланишга топширилади. Бойдада ака шу мажмуа раҳбарининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари сифатида жонбозлик кўрсатмоқда. Агар Чортоққа борсангиз, туман ҳокимлиги ташкилий кадрлар бўлими раҳбари Акрам Маҳмудов билан учрашинг. У киши Бойдада акани жуда яхши билади.

Ўтган чоршанба кунга яна Чортоқда бўлдим. Акрам ака Маҳмудов самимий кутиб олди.

— Бойдада Жўрабоев ўта масъулиятли, камтарин инсон, — деди Акрам Маҳмудов. — Эллик йилдан ортиқроқ туманимизда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келади. Лавозимини, бошқалар ишончини ҳеч қачон суиестеъмол қилмаган. Ҳокимият томонидан кўпчилик манфаатлари йўлида қилинадиган тақлифларни бажонидил бажаради. Оғир-бошиқ билан, масаланинг тағига етиб, шошилмай иш юргизади. Замонавий, маданиятли раҳбар бўлгани боис чет эллардан келган меҳмонларни ҳам чиройли кутиб олади.

Туман "Нуроний" жамғармаси раиси Умрзоқали ака Сатторов Бойдада аканинг садоқатли шогирди, — деди Акрам ака. — Ундан ҳам кўпгина маълумотларни олишингиз мумкин.

— Бойдада акани 1970 йилда таниганман, — дея Умрзоқали ака ҳикоясини бошлади. — У дадам раҳматлининг шогирди бўлган, кунлар келиб, мен унга шогирд бўлдим. Бойдада ака қурилиш ташкилотига раҳбар бўлган йиллари мен шу ташкилотда ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлганман. Унинг юриш-туришига, ўзини тутишига ҳавас қил-



ганман. Айниқса, берилган топшириқларни тез ва сифатли бажариш бўйича ечим топишда жудаям изланувчан раҳбар бўлган. Биз қурган ижтимоий объектлар сифатлиги билан ҳозир ҳам эсланади. Бойдада ака кўп остидагиларга ғамхўр, меҳрибон устоз. Биз шогирдлари ҳам у кишига маъқул бўладиган ишларни қилишга одатланганимиз. Катта-катта қурилишлар бошида турса ҳам, бирор марта шахсий манфаати учун эгри йўллардан юрмаган ҳалол қурувчи. Одамийлиги кучли, ёш бўлсин, қари бўлсин, ҳамманинг ҳурматини жойига қўядиган ажойиб инсон. Каттароқ иш бошладан аввал ҳозир ҳам устоз билан бамаънаҳат иш қиламан.

Янги қуриладиган "Chortoq Grand Resort" соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси Чортоқнинг Гулшан қишлоғига ўзгача фазил қиритиб турибди. Бойдада ака билан мажмуага кираверишда учрашдик. Кўз бўйи узоқ кутилган ёмғир декабрнинг ўртасида ёғди. Бу ёмғирларни барака ёмғири бўлсин дея ният қилайлик. Нафақат Тошкент аҳолисини, балки наманганликларни ҳам анчагина ташвишга солган ифлос ҳаводаги табиқани юваётган ёмғирли кунда қаҳрамоним билан суҳбатлашиб ўтирдим.

Ижодий фаолиятим давомида қайсидир фидойи инсон ҳақида ёзмоқчи бўлсам, аввало, унинг ота-онаси, устозлари тўғрисида сўрайман. Шундай савол билан Бойдада акага ҳам юзландим.

— Жўрабой отам раҳматли мактабда боғбон бўлса-да, фарзанд тарбиясига жуда масъулиятли, қаттиққўл киши эди, — деди ҳамсуҳбатим. — Ёшлиқда англаб етмаган бўлсам-да, бугун бу тарбия қўл келмоқда. Кунлардан бир кунги, беш-олти ёшларда бўлсам керак, отам: "Ўғлим, мактабга чиқиб, 10-синфда ўқийдиган Турсунбой акамизни топиб айтинг, катта танаффусда уйга кирсин", деди. У кирди. Отам насиҳат қилди. "Турсунбой, мен касал бўлиб қолдим, катта ўғлим Бойдада билан бир-бирингларга суянчиқ бўлинглар", деб дуо қилди. Шундан кейин отамнинг укаси Турсунбой акамни қидирадиган бўлдим.

Отам боғбон бўлса-да, мактабдаги қора ишларни бир ўзи бажарарди. Гулчиликни яхши билади. Мактаб иссиқхонасида гул қўчатларини парваришлаб, баҳорда мактаб атрофини гулзор қиларди. Кўён боқиш ҳам отамнинг зиммасида эди. Қиш кунлари, ҳечам эсимдан чиқмайди, мактабимизда 14 та печка бўларди. Синглим билан кечки пайт печкаларнинг қулини олиб, ўтин қалаб, устига бир пақирдан кўмир солиб чиқардик. Отам эса тонги соат тўртларда печкаларга ўт ёқиб келарди. У пайтлари қишда қаттиқ совуқ бўларди. Ҳар кун шу аҳвол тақорларнардир. Ёш-ликдан меҳнатга ўрганиб борганмиз.

Қора меҳнат қилиб катта бўлганимиз. Катта оиламиз аъзолари фақат отамнинг ойлик-маошига кун кўрардик. Ёйиш-ичимисин ҳам ночорроқ бўлган.

Уша даврларда тиббиёт бугунгидек ривожланмаган, ҳатто астма касалига ҳам даво топилмаган эди. Отам шу касал билан узоқ азоб чеқди. "Ҳалол бўлгин, рост гапиргин, бир сўзга бўлгин", деб кўп насихат қилардилар. "Ўқиб одам бўлишинг керак, албатта, одам бўлишинг керак", деб тақорор-тақорор айтаверардилар. Уша сўзлари ҳалиям қулоғимда. Тошкентга институтга ўзи бирга олиб бориб, имтиҳонлар тугагунча Турсунбой акамизникида ётиб кутиб турган. 1967 йили институтнинг кечки бўлимига ўқишга кириб, кундузи қурилишда ишлаганман. Зилзиладан кейин Тошкентни қайта қуришда иштирок этганимдан фахрлилик юрарман. Машаққат чекмасанг, роҳат бўлмас дейдилар. Бу — ҳақиқат.

— Сизнинг сўзларингизни эшитиб, ёшлигим ёдимга тушиб кетди, — деди Бойдада акага юзландим. — Бизнинг оилада ҳам фақат отам раҳматли ишларди. Муаллим отам ойлигини тўққиз нафар фарзандини едириб-қийдиришга, воғла етказиб ўқитишга қандай етказганлигига ақил бовар қилмайди. У даврларда барака бошқача бўлган, шекилли-да. Энди онангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Турдихон раҳматли онам жуда меҳнаткаш аёл эди, — деди Бойдада ака. — Асосан, уй-рўзғор ишлари, фарзанд тарбияси билан банд бўларди. Ҳар баҳорда пилла боқарди. Онажонимнинг умрлари меҳнат билан ўтди. "Тарбияли, кўпга хизмат қиладиган инсон бўлишинг керак, йўлингни топишинг керак", дердилар. "Биздан кейин қолгач, укаларингни етаклаб бошқаришинг керак", деб дуо қиларди. Аллоҳга шукур, отамнинг дуолари ижобат бўлди. Ўқидим, ундим, элга нафим тегадиган одам бўлдим.

Шу пайт суҳбатдошимнинг кўл телефони жинглиб қолди. Дарвоза-хонада кекса бир нуроний уни сўраб келган экан. "Биз ҳали анча суҳбатлашамиз, кутиб қолмасин, кираверсин", дедим.

Биз ўтирган хонага кекса отахон кириб келди.

— Бу киши эллик йиллик кадрдон домламиз Абдулла ака Уринбоев бўлади, — деб таништирди Бойдада ака. Домла узоқ йиллар мактабларни, туман халқ таълими бўлимини бошқарган ҳурмат-эътиборли муаллим экан.

Оқсоқол набирасига иш қидириб келган экан. Бойдада ака соғломлаштириш ва дам олиш масканида баҳорда ишлар бошланганда бирорта вазифага ишга олишини айтди.

Абдулла ота Тошкентдан келган журналист эканини билгач, мен ҳам

бир мактаниб қўйи, дея телефонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан кўришиб, сўзлаган пайтида ёзиб олинган тасвирларни кўрсатди. Саксон уч ёшли нуронийга ҳавасим келди, унинг ёшига етиб юрай деб ният қилдим.

— Бойдада Жўрабоев Чортоқни иқтисодий, ижтимоий ривожлантиришда билими, тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган ўрни бор раҳбар, — деди Абдулла ота. — Кўплаб мактаблар қурилишига, уларни таъмирлашга бош-қош бўлган таниқли қурувчи. Ҳеч қачон тама қилмайдиган ҳалол, маънавий дунёси кенг, юраги пок, иймони кучли инсон.

— Ҳаёт йўлларига фозил инсонларга рўпара келиш ҳам катта неъмат экан, — деди Бойдада ака. — Ҳаёт устозим, амаким Турсунбой акамнинг менга қилган меҳрибончиликларини айтиб тугатиб бўлмайди. Мени ўқитиб, олий маълумотли қилди. Ҳаётга йўллади. Турсунбой акам узининг одамийлик фазилатлари билан хотирамда қолган. Ҳақиқий инсонда қандай яхши хислатлар бўлса, бари Турсунбой акамда бор эди. Кундузи ишлаб, кечаси ўқидим. Ҳар яшанба кун Турсунбой акамникига боришим шарт эди. Ош қилардик. Раҳматли Комилахон келинонимиз хурсанд бўлиб: "Бойдада, келдингизми, ака-ука бир ош қилинглар", деб очик чехра билан кутиб оларди. Кейин англаб етдимки, бечора студент ҳафтада бир марта ош еб олсин дея мени тақлиф қилишар экан.

1974 йили қишлоққа қайтдим. Туманимизда олий маълумотли қурувчи йўқ экан. Туман раҳбари қурилиш ташкилотига бош инженер қилиб тайинланди. Касб устозим Мадумар ака Сатторов қўлида иш бошладим. Устоз билан ўн тўрт йил бирга ишлаб, муомала, юриш-туриш, бировнинг молига кўз олайтирмалик, режа асосида ишлаш ва қурилиш соҳаси сирсиноати, иқир-чиқирларини ўргандим.

Туман капитал қурилиш бўлими бошлиғи, механизациялашган кўча колонна бошлиғи, туман аҳолига хизмат қилиш ташкилоти раҳбари, туман кадастр бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган пайтларим устозимдан ўрганганларим кўл келди.

Қарс икки қўлдан чиқади дейишарди. Турмуш ўртоғим раҳматли Турғуной ангагиз жуда содда, меҳнатсевар аёл бўлган. Фикри-хаёли одамларга ёрдам бериш бўларди. У билан беш фарзандни тарбия қилиб, элга қўшдик. Йигирма тўртта набира кўрдик. Бугунги кунда етти нафар чеварам бор.

Деразадан соғломлаштириш ва дам олиш мажмуасига нигоҳ ташлайман. Худудлардаги ноёб дарахтлар катталашиб, буй кўрсатиб, ажойиб дилторлар манзара пайдо бўлибди. Қараб кўз тўймайди.

— Қурилиш бошлаганимиздан Баҳодиржон Тошкентдан сара дарахт қўчатларини жўнатаверди, — деб у сўзини давом эттирди. — Мажмуа битгунча атроф хушманзара масканга айланади.

Баҳодиржоннинг одамларга ёрдамлари, хайрли ишлари ҳақида ҳам ёзиб кетсангиз, — деди Бойдада ака. — Бир кунги кўнғирок қилиб, Короскон қишлоғидаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини билан "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинини боғловчи кўприк жуда ёмон аҳволда эканини айтиб, янги кўприк қуриш режасини тайёрлашимни айтди. Кўприк бузуқлиги учун одамлар икки чақиримча масофани айланаб ўтишарди. Айниқса, мактаб болалари жуда қийналишар эди. Баҳодиржон ўз сармоясидан янги миллилар сўм маблағ сарфлаб, янги кўприк қуриб берди. Инфоқ-эхсон қилишда Баҳодиржон ҳам отаси Турсунбой акамизга жуда ўхшайди. Тақдиримизга шундай сазоватпеша тадбиркор билан ҳамкор бўлиш битилган экан, Аллоҳга шукур дейман.

Дарҳақиқат, инсонни Парвардигор гўзал шаклу шамоийлда мукамал хилқат қилиб яратган. Бу дунёда йилмон, ҳалол касб ва эзгу амаллар билан, мол-дунё муҳаббатини вақтичолликча мафтун бўлмасдан, ота-онасига, устозларига меҳр кўрсатиб, умр йўлида чекиладиган машаққатларга сабр-тоқат қилиб яшаганлар ҳақиқий гўзал инсонлардир. Шақис, Чортоқ чинорига қиёслаганим Бойдада ҳожи ота Жўрабоев ҳам ана шундай инсонлардан бири экан.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ФАОЛИЯТ

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ —
МАМЛАКАТИМИЗ ФАХРИ

Мамлакатимиз фуқаролари ва хорижлик сайёҳларнинг хавфсизлиги, ўз манзилларига тинч ва осойишта етиб олишларида Тошкент метрополитенида фаолият олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг хизматлари беқиёсдир.

Тошкент метрополитени йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш йўлида кундан-кун ривожланиб, тақомиллашиб бормоқда. Дунёда йўловчи таъмининг энг қўлай, унумдор ва самарали воситаларидан бўлган ер ости метрополитен бекатлари бугун бор буй-баста билан ўзига хос, гўзал ва маҳобатли "Ер ости қасри" мақомини оқламоқда.

Ер усти ҳалқа йўли бекатлари эса сон жиҳатдан тобора кенгайиб, узайиб бормоқда. Бекатларда жаҳон ва мамлакатимиз моҳир усталарининг кўз нури, қалб кўри билан сайқал берилган, тарихимиз ва бугунги фаровон турмушимиздан далолат берувчи санъат асарлари сайёҳларни ром этмоқда, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнига эга бўлмоқда.

Ҳозирги кунда пойтахтимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари қаторида метрополитенлар тизимининг йилдан-йилга кенгайиб, янгидан-янги бекатларнинг ишга туширилиши пойтахт аҳолиси ва шахримизга келиб бекатчи меҳмонлар қалбида юксак фахр, гурур ва севинч бағишламоқда. Тошкент метрополитени истиқболи ҳақида сўз юритишдан олдин унинг тарихига қисқача назар ташламоқ жоиз.

Тошкент метрополитенининг ишга туширилганига 48 йил бўлди. Манбалардан маълум бўлишича, ўтган асрнинг олтинчи йиллари ўрталаридан бошлаб, ўша даврда республика раҳбари бўлган Шароф Рашидов Тошкент шахрида метрополитен қуриш кераклиги юзасини илгари сурган. Ушбу тақлиф билан москвалик амалдорларга ўн саккиз марта мурожаат қилган. Аммо бу фикрлар инобатга олинмаган. Уша йиллари Тошкентда меҳмон бўлиб турган Ҳиндистоннинг бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри Ўзбекистон раҳбарининг бу тақлифи ғоят асосли



эканлиги, пойтахт аҳолиси миллион нафардан ошганлигини керакли ўринларда ётиги билан тушунтирган ва метро қурилишига рухсат олинган.

Пойтахтимиз фахри бўлган ушбу объектнинг қурилишида ўша йилларда янаб-фаолият юритган таниқли олимлар, рассомлар ва меъморлар, уста ва ҳунармандларнинг ҳиссаси беқиёс бўлганлигини ҳамма ҳам билмавермайди. Метрополитен биринчи бўлиб ишга туширилган "Чилонзор" йўналиши бекатларида акс этган ва санъат асарлари даражасида маромига етказилган рассомчилик намуналарида халқимизнинг азалий қадриятлари, ўша даврда фан ва техника соҳасида эришилган ютуқлар, халқлар дўстлиги, таниқли аллома ва адилларимизнинг сеvimли қаҳрамонлари тасвирлари туширилган. Тошкент метрополитенининг сунъатчиликни таъминлашда таниқли академик Т.Рашидовнинг халқимизнинг синч усулида бино қуриш аъналарини ва темир-бетон қоплама конструкциялар уйғунлиги усулларидан фойдаланилган. Кейинчалик Европа ва бошқа минтақа мамлакатлари метрополитен қурувчилари бу тажрибани ўзларида кен қўлаганлар.



Албатта, метрополитен қурилиши ўта катта сарф-харажат талаб қилувчи мураккаб ва машаққатли жараён. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда бу соҳадаги ишлар юксак маҳорат билан шиддатли равишда кечмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққий этишида бу муҳим аҳамият касб этади ва келгуси авлодларнинг олдига қўйган эзгу мақсадларини амалга оширишига хизмат қилади. Бу эса метрополитенда хавфсизликни таъминлаш соҳасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юксак масъулият юклайди. Тошкент метрополитенида хавфсизликни таъминлаш, йўловчиларнинг ўз манзилларига соғ-саломат етиб олишларида ҳиссадор бўлиш биз ички ишлар органлари ходимларига юксак фахр ва гурур бағишлайди. Ўз хизматимизни адо этишда ҳамisha зийрак, хушёр, ватанпарвар, интеллектуал салоҳиятли бўлишимиз давр талабидир.

Аброр ГҲУЛОМЖОНОВ,
Тошкент метрополитени хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходими.

МУНОСАБАТ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари кунги муносабати билан соҳа вакиллари билан ўтказган мулоқоти қишлоқ хўжалигини янги — илмга асосланган, рақамлаштирилган ва экологик барқарор ривожланиш босқичига олиб чиқишга қаратилган стратегик йўналишларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида эришилган натижалар билан бир қаторда, келгуси йиллар учун аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Президент нутқида белгиланган вазифалар қишлоқ хўжалигида илм-фан ва таълим муассасалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети жамоаси ҳам ўз олдига қатор устувор мақсадларни белгилаб олган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қишлоқ хўжалигидаги асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилиши зарурлигини таъкидлади: илм-фан ва инновацияни соҳанинг бош ҳаракатлантурувчи кучига айлантириш; сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш; рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш; юқори малакали кадрлар тайёрлаш; экологик барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Бу вазифалар қишлоқ хўжалигини фақат ҳосил ҳажмини ошириш эмас, балки сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришни таъқозо этмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки иқтисодийнинг энг даромадли соҳаларидан бирига айланган. Бироқ Президент таъкидлаганидек, глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги шароитида бу ютуқларни сақлаб қолиш учун янги ёндашувлар зарур.

Бугун глобал иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, тупроқ деградацияси, ерларнинг шурланиши, чулланлиш, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва биохилма-хилликнинг қисқариши қишлоқ хўжалиги учун жиддий хавф бўлиб турибди. Айниқса, Амударё ҳавзасида сув оқимининг қисқариши жанубий ҳудудлар учун ўта долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини анъанавий усуллар билан ривожлантириш мумкин эмас. Президент таъкидлаганидек, "илм ва инновация қишлоқ хўжалигининг энг асосий таъинига айланиши шарт". Бу эса олий таълим муассасалари, хусусан, Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугун университет қишлоқ хўжалиги соҳасида экологик барқарор, ресурс тежовчи ва илмга асосланган моделларни ишлаб чиқувчи



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ:

ИЛМ, ЭКОЛОГИЯ ВА РАҚАМЛИ ИННОВАЦИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

марказга айланиши лозим. Бунинг учун қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

1. Сув тежовчи агротехнологиялар, иқлим ўзгаришига мослашган агротехник ечимлар, шўр ва кам сувли ерлар учун янги моделлар ишлаб чиқиш.
2. Биологик ўғитлар, органик дехқончилик элементлари, кам углеродли ва чиқиндисиз технологиялар илмий тадқиқотлар марказида бўлади.
3. "Илм-таълим-ишлаб чиқариш-экология" интеграциясини таъминлаш устувор вазифадир. Илмий лабораториялар фаолияти экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилиб, фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда "яшил тажриба майдонлари" ташкил этилади. Ҳар бир илмий тадқиқотда экологик таъсир баҳоси жорий этилади.
4. Рақамли технологиялар, дронлар ва сунъий интеллект асосида сув сарфи ва ҳосилдорликни оптималлаштириш, ер ва экин ҳолатини прогноз қилиш, ресурсларни тежашга қаратилган интеллектуал бошқарув тизимларини амалиётга жорий қилиш. Бу ечимлар фермерларга кам харажат билан юқори ҳосил олиши имконини беради.

Президент нутқида агрономлар, муҳандислар ва ёш мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Дуал таълим, амалий кўникмалар ва юқори маошли иш ўринлари

орқали ёшларни соҳага жалб этиш зарурлиги қайд этилди. Университетда докторант, магистр ва талабалар учун илмий тадқиқотларни реал экологик ва аграр муаммолар билан боғлаш, "яшил қишлоқ хўжалиги" стартапларини қўллаб-қувватлаш, дрон ва рақамли технологияларни чуқур ўрганиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Глобал иқлим ўзгариши, ерларнинг шурланиши, чулланлиш ва биохилма-хилликнинг қисқариши қишлоқ хўжалигида экологик ёндашуви талаб қилмоқда. Президент нутқида ресурс тежаш ва экологик барқарорлик масалаларига катта аҳамият берилди. Университет илмий ишларида ҳар бир тадқиқотнинг экологик таъсирини баҳолаш, органик дехқончилик, кам углеродли технологиялар ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш моделларини ишлаб чиқиш асосий йўналиш сифатида белгиланган.

Президент фермерлар ва мутахассисларни хорижий давлатларда ўқитиш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш вазифасини қуйди. Университетда Нидерландия, Исроил, Германия, Япония, АҚШ ва Хитой тажрибасини ўрганиш, уларни миллий шароитга мослаштириш асосида илмий мутахассисларни тайёрлаш мақсад қилинган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси қишлоқ хўжалигида муваффақиятга эришишнинг ягона йўли илм-фан, экология ва рақамли технологиялар уйғунлиги эканини кўрсатмоқда. Нидер-

ландиянинг сув танқис шароитида юқори ҳосилдорликка эришиш тажрибаси, Исроилнинг ҳар бир томчи сувдан самарали фойдаланиш модели, Германиянинг экологик барқарорлик ва дуал таълим тизими, Япониянинг ақлли қишлоқ хўжалиги, АҚШнинг агротартаплар экотизими ва Хитойнинг рақамли мониторинг тизимлари биз учун муҳим тажриба мактабидир. Бу тажрибаларни кўр-кўрона кўчириш эмас, балки миллий шароитга мослаштириб, ўз илмий мактабимиз асосида жорий этиш асосий мақсаддир.

Докторант ва магистрлар учун диссертация мавзуларини сув, ер ва иқлим муаммолари билан боғлаш, экологик моделлаштириш, прогноз ва оптимал бошқарув усулларини ишлаб чиқиш устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда. Илмий натижаларни фермерларга етказиш механизмлари такомиллаштирилади. Талабалар, айниқса, 4-курс битирувчилари "яшил қишлоқ хўжалиги" йўналишида стартаплар ва илмий-амалий лойиҳаларни ишлаб чиқишлари, битирув ишларини реал экологик муаммоларга бағишлалари ҳамда дронлар, "GIS" ва рақамли агротехнологияларни чуқур ўрганиб, амалий кўникмаларини мукамаллаштиришлари муҳим вазифадир.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган стратегик вазифалар қишлоқ хўжалигини экологик барқарор,



илмга асосланган ва рақамлаштирилган янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Бу вазифаларни амалга оширишда олий таълим муассасалари, хусусан, Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бизнинг вазифамиз — илм, таълим, инновация ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштирган ҳолда, миллий қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқишдир.

Расул ТўРАЕВ,
Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ректори, профессор.

ТААССУРОТ

ТАЛАБАЛИК ҲАЙРАТЛАРИМ

ёки Ўзбекистон халқ шоири Иқбол МИРЗО билан бўлиб ўтган ижодий учрашувдан кейинги ўйлар

Бундан анча олдин Иқбол Мирзонинг "Бону" номли китоби кўлимга тушиб қолди. Қизиқ, Иқбол Мирзонинг шеърларини ўқиган эканман-у, лекин ҳеч насрий асарлари ҳам борлигини билмабман. Китобнинг биринчи бетини очганимда, "Реал воқеаларга асосланган қизилтепалик қизнинг ҳаёти" деган ёзув ўзига қизиқтириб қўйди. Ҳозир Тошкентда оилавий яшасак ҳам, асли бухороликман. Қизилтепа эса бизга жуда яқин бўлган ҳудудда жойлашган. Шу сабаб бўлдимки, билмадим, қизиқшим юз баробар ошиб кетди. Ишхонамнинг кутиш залини ўзимга макон қилиб олдим. Кирганга ҳам, чиққанга ҳам салом бераверганимдан, баъзиларга ҳатто икки-уч марта "Ассалому алайкум!" деб қўйганимни уларнинг кейинчалик алик олмай галати қараб ўтаётганидан ҳам сезиш қийин эмас эди.



воб бердим мен ҳам. Яқин бир дўстим бор, менинг ишга киришимга сабабчи бўлган қадрдоним. Шу ўртоғим эшикдан кириб келди-да, кўлимдаги китобга кўз қири билан қараб: "Ўқигани бошқа китоб йўқ эдимми?" — деб киноя қилди. "Вой, китобга аллергиянгиз борми, нима бало?" — деб ҳайрон бўлганимча қолдим. Эътибор бермадим, очгани. Китобдаги ажойиб воқеалар атрофимдаги исталган нарсадан қизикроқ давом этаётган эди. Ярим соатлар ўтганидан сўнг, эсимга тушиб қолди: ахир дўстим 5 йил яхши кўрган қизидан 2 ҳафта олдин айрилган эди ва у қизнинг исми айнан Бону эди. Энди миямга етиб келди: унинг китоб билан эмас, айнан шу ном, исм билан боғлиқ руҳий изтироблари бор. Эсимга келишга келди-ю, кулишдан ўзини тўхтатолмайман денг. Ахир бунақа мавзуда кимдир юпатиш менга эмас-да, нима қилай?

Хуллас, асосийси бу ҳам эмас. Уч кунда китобни ўқиб тугатдим. Энг ёмони, миям шу даражада жавобсиз саволларга тўлиб кетдики, юрган йўлимда шу саволга жавоб берувчи одам қидираман. Бону исми қиз Иқбол Мирзога ярим йил давомида ўз ҳаётини ёзиб боради ва ёзувчи буни асар ҳолатига келтиради. Бу воқеалар реал ҳаётда бўлганими-йўқми, лекин қизнинг кейинги ҳаётига жуда қизиқдим. Уйга бориб, Иқбол Мирзонинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини қидиришни

бошладим. "Instagram"дан қарадим, йўқ! "Telegram"дан изладим, яна натижа йўқ. Шунда "Иқбол Мирзога мактублар" деб номланган ва нофаол бўлган телеграм-ботини топиб олдим. Ва айнан шу ботга 14 август кунини ёзган хабаримни ўз ҳолича келтирмоқчиман.

"Ассалому алайкум! Саломатмисиз? Бу ботни ким юрғизяпти, билмадим-у, агар шоир Иқбол Мирзо ўзининг бўлсангиз, ниҳоятда хурсандман. "Бону"нинг ҳозирги ҳаётига қизиқдим. Ўша қиз билан жуда гаплашгим келяпти. Иложи бўлса, контактини бера оласизми? Агар иложи бўлмаса, илтимос, ҳозирги ҳаёти ҳақида айта оласизми?"

Бир ҳафта шу дардда юрдим, кейинчалик ўқиш таъминлаш, ишлар кўпчилиги ва янги асар муталааси бошланиши билан бу ўй аста-секин мени тарқ эта бошлади.

Ўқишга келган кунларимдан бирида Гузал Бегим устозимиз савол бердилар: "Ижодкорлардан ким билан учрашишни хоҳлайсиз?". Шунда мен Иқбол Мирзо ва Хусан Карвонли устоз номларини айтдим. Хусан Карвонли нега ҳурмат қилишим алоҳида мавзу.

Устозимиз: "Майли, учрашувга Иқбол акани таклиф этамиз", дедилар. Ойлар ўтиб, Иқбол Мирзо университетимизга келишларини эълон қилганларида, биринчилардан бўлиб қатнашгани мақсад қилдим. Тадбирга

кирдик, кўтаринки кайфият ҳукмрон, шоиримиз ўртада.

Шоирлар ҳар доим чиройли шеър ёзди-ю, лекин чиройли шеър айтолмайди деб ўйлардим. Бундай деб ўйлаганимга уялтирдилар шоир. Барча ёзувчилар телбанамо бўлади, ўз дунёси бўлади, улар билан гаплашганда зерикиб қолсан, деб тасаввур қилардим, тасаввурларимга-да уялиб кетдим. Иқбол Мирзо шу даражада чиройли шеър айтган эканларки, ҳаммасини телефонимга ёзиб олдим, уларни, албатта, "Instagram"даги китобларни шарҳлайдиган саҳифамга жойламоқчиман. Ундан ортиқ шеър айтган бўлсалар ҳам чарчамадик, зерикмадик.

Учрашувга киришдан олдин бир дугонамга: "Биласизми, Иқбол Мирзонинг ижодини Муҳаммад Юсуфниқига ўхшатаман", дедим. Чунки худди Муҳаммад Юсуфдек барча бирдан тушунадиган, ортиқча фалсафасиз, ортиқча бўрттиришларсиз, халқона ва борини ёздиган шоир сифатида ҳурмат қилар эдим. Тадбирда шоир ўзлари ҳам Муҳаммад Юсуфнинг шоигрди эканликларини айтиб ўтдилар. Бу маълумотни билмаган эдим, шунчаки ўхшатган эдим, холос. Иқбол Мирзонинг шоир эканлигини билмаган одам у кишини Ўзбекистон халқ шоири деб ўйламайди. Ўшани у киши шу даражада камтарин, жайдари ва одам гаплашса зерикмайдиган инсон эканлар.

**Тилла узукка тилла
Кўз бўлмайди ҳеч қачон.
Қиз болага қиз бола
Дўст бўлмайди ҳеч қачон!** —

деб ёзилган сатрларни бутун зал жўр бўлиб айтди. Энг қизиғи, мен бу шеърни қиз бола ўртоғимнинг ёнида у билан бирга айтдим. У кимга атаб айтди, билмадим-у, лекин мен аниқ унга айтмадим.

Тўғри, Бону ҳақидаги ўша саволимни беришга яна улғурмадим. Лекин, ҳайтовур, шoirнинг "Facebook"даги саҳифаларини сўраб билиб олдим.

Учрашув жуда мазмунли ўтди.

Марям МУСОЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ОГОҲ БЎЛИНГ



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Хонадонларда ёнгин хавфини келтириб чиқарувчи омиллар жуда кўп. Жумладан, эҳтиётсиз сигарета чекиш, носоз электр ва газ молдаларидан фойдаланиш, бола-ларнинг назоратсиз қолиб, гуғурт уйнашлари каби ҳолатлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, учқун текканда ёниб кетадиган айрим буюм ва нарсалар борки, уларни пецкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас. Булар сирасига лак, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар кирди. Кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари, кўплаб зарарли моддаларни ҳам ажратиб чиқаришни эътиборга олсак, уларнинг хавфи янада ошади.

Ёнгин келиб чиқишига учта асосий омил сабаб бўлади: ҳаво, учқун, ёнувчи модда.


Агар шу учта омилдан бири бўлмаса, ёнгин содир бўлмайди.

Юз бераётган ёнгинларнинг катта майдонга тарқалиб кетишига хусусий уйлар қурилишида тегишли меъёрларга амал қилинмаслик ҳолатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Амалдаги тартиб-қоидага қўра, икки қўшни хонадон оралиги томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландлиқдаги ва қалинлиги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнгинга қарши деворлар билан ажратилиши, уй томига ва ёғоч панжаларга оловга бардошлиликни оширувчи суюқликлар билан ишлов берилиши, хоналарда иситиш печлари қоидага мувофиқ ўрнатилиши лозим.

Шу сабабли ҳар ким уйда хавфсизлигини таъминлашни ниёт қилар экан, бу борада ёнгин хавфсизлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим эканини эслатиб ўтишни жоиз, деб биламиз.

С.САИДАҚБАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 1-бўлинма кичик инспектори, кичик сержант.



Ҳаммага ўзимни кўз-кўз қилмаслик учун ҳам хонага кирдим. Ишхонадаги йигитлар: "Ақлли хоним энди ижодни бу ерда давом эттирмоқчилар", деб пичинг қилишди. "Ҳа, кулинлар, кулинлар!" деб жилмайиб жа-

ДИЛДАГИ ГАПЛАР



Гулмира ҳақида уйласан, кўнглим ёришиб кетади. У ҳақда кўп маротаба ёзмакчи бўлганман. Лекин ёзганларимнинг биронтаси ҳам охирига етган эмас. Аммо бу гал менимча бунақа бўлмади...

ИЛК УЧРАШУВ

Бир минг тўққиз юз тўқсонинчи йил биринчи маротаба ўтказилган "Ёшлар" телемарафонидан сизнинг дастлабки кўрсатувингизни кўрганман. Телевидение раҳбарларидан бири ўшанда айтдики: "Бу қизнинг келажакка ёруғ".

Биз ёш эди, орзуларимиз кўп ва келажакка катта умидлар билан қарардик. Ва бунга ҳаракат қилардик. Олдинда сирли, улкан ҳаёт ўз эшикларини очиб турарди. Ва биз қадамма-қадам шу сирли оламга кира бошладик.

Аслида, менинг талаба бўлишим жуда ҳам тилсимли воқеа. Лекин бу гал бунга ёзмакчимасман. Ўша йили сентябрь кунларининг бирида навбатдаги "Ёшлар" телемарафонда Гулмира биринчи марта пайдо бўлди. У ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультети учинчи курсида ўқир экан.

Ўша йили сентябрь кунларининг бирида навбатдаги "Ёшлар" телемарафонда Гулмира биринчи марта пайдо бўлди. У ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультети учинчи курсида ўқир экан. Тўғриси, кўзгудан ўтиб кетаётганда, кейин бирдан яна ўзимни кўра бошлагандай бўлдим. Гулмира менга қараб турган экан. Бу ҳақда кейинроқ, бу — генетика.

Кеча ишим кўп бўлиб, ажойиб бир санани нутиб юборибман. 2007 йил 16 март. Шу кун номзодлик диссертациями ҳимоя қилгандим. Ўн беш йил бўлибди... Бу кўпми, камми, билмайман, менга ҳозир жуда узоқ ўтмишга ўхшайпти, бошқа одам эдим тамомла!

Онам бошидан охиригача йилгаганлари эсимга тушяпти. Кейин айтишларича, таржимаи ҳолимни ўқиганларидан, "...фақат бир иш жойи қайд этилган. Ўзбекистон телевидениеси" деган ёзув жуда қаттиқ тасвир қилган экан уларга. Азиз Қайумов, Шўҳрат Аббосовдек машҳурлар, Эдвард Ртвеладзе, Рафаэль Тоқтош, Нигора Аҳмедова сингари аксарияти Москва ва Ленинград мактабларида шаклланган буюқ олимлардан ташқи топан илмий кенгашида ҳимоя қилганман. Бундан фахрланаман. Академик Наим Каримов ва киношуно Саодат Хўжаевалар оппонентларим бўлишганди.

Бугун бу инсонларнинг кўплари оламдан ўтиб кетишти. Демак, ҳақиқатан ҳам жуда катта вақт ўтибди-да. Дилфуза олам 11 йил ўтган, докторлиқни ҳимоя қилганлар. Ўзимда ўша пайтда шундай орзу, ҳавас бор эди... Устозларимда ҳам... шуларга яқин қандайдир башоратлар бор эди, ҳар ҳолда. Лекин мен кейинги босқичга ўтолмадим. Ҳаётимни телба-тескари қилиб юборган воқеадан сўнг яна қайта дунёга янги қадам ташлашим, уни идрок этишим қанчалик қийин бўлган бўлса, қутилмаганда янги бир тўсиқ — Ақдарҳо қомига юзма-юз келдим.

Замондошимиз Тўлқин Эшбек "Facebook"да ёзибдилар: "Ўшанда Сизга жудаям ноҳақлик қилингани ёдимда. Докторантурада битта жой қуйиб кетса кетдики, ўша жойнинг Сизга берилишига йўл қўйишмади. Кимларгадир бир тегаран фикри олима чиққандан кўра чиқмагани, ундан кўра ўша жой қуйиб кетгани маъқулроқ эди, шекилли... Минг афсусли, у пайтлари Сизга ёрдам қўлимини чўзишга нақадар ожиз эдим...". Тўлқин ака, ушбуларни ёзишимга шу сўзларингиз ҳам тасвир қилгандир. Ўшанда наини сиз, ҳамма оқиз эди, қишининг совуқ кунларида гоҳ Миллий университет, гоҳ жаҳон тиллари университетлари ректоратларида қолиб кетаркан, кун бўйи сув тотмайман, бир илик мўжада эшитмок учун жонимни ҳовучлайман. Ҳамма менинг ахволимни кўриб турибди, ёрдам бергиси бор, лекин сас чиқаролмайди.

Орадан кўп вақт ўтмай, менга айтиладиларки: "Бу сиёсий масаладир. Эрингиз туфайли сиз фан доктори бўлишингиз мумкин эмас..."

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон айтдилар ўшанда: "Илмира, нима бўлса ҳам ёзин". Телера-

ГУЛМИРА, СИЗГА АЙТСАМ...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулмира МУСАЖОНОВАга

диоконпаниямизнинг раисига хат ёздим: архивдан фойдаланишга рухсат сўрадим. Ҳеч кимга берилмаган рухсатни бердилар. Телевидение кўрикхоналари ёпилгунгача курсатув кўриб ўтирдим.

Менимча, у вақтлар ҳозиргадэй кўчи бўлмаган бўлса керак. Лекин ичимда қандайдир бир туйғу бор эди яъни мени ҳаракатга келтирадиган нимадир. Кейин... ўзим илган ҳақиқатларим дунёни фойда тушушимни ортдаман, билмайман, қайларгадир сарсон бўлиб кетди. Кейин ҳаёт ҳақиқатларини кўрсатувларим дунёсидан, қаҳрамонларимдан ахтара бошладим. Дунёнинг фойдалигини, одамод ўмири қисқалигини англай бошладим, одам нимага бу дунёда яшашини тобора тушунмай боравердим. Мен бугун бундай бўлмаганини, бу шунчаки сунъий тўқиб чиқарилган гал эканлигини тушунаман. Тўғриси, кўп йиллар менга бунинг изи қоронғи бўлган... Лекин ҳаёт жуда галати нарса экан — ўша зотлардан бири келиб бор икорларини айтмагунларига қадам... нималарини уйлаганим ўзимгагина аён.

Яқинда бизнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазири билан "Zoom"да бўлган учрашувимизда давлатимизнинг илм-фана қилаётган гамхўрлигини кўриб, тўлқинингизни кетдим. Ҳаётимни ўзгартириб юборган янги даврдан миннатдорчилигим бор, албатта.

Менсиз ҳам дунёда доктор кўп, агар ҳимоя қилмасам ҳам, бу ҳаётимдаги муҳим воқеа эмаслигини, дунёда боқий муқддлар борлигини, ўшаларга умрини бағишлаётганим афзаллигини ҳам тушунаман. Балки, бўларман ҳам, билмадим...

...Телевидение камераси мисоли ренгтен: бу ерда самимий бўлишга мажбур инсон. Кейин ҳаётда ҳам. Жуда кўп самимий ва яхши инсонлар билан ишлашга тўғри келган бу масканда. Лекин мен учун яна бир самимий инсон борки, у билан соатлаб гаплашиб, жимгина баҳслашиб, юрагингни очиб, унинг ниҳоятда баланд мезонларда қад рўстлаган ҳаёти йўлларидан ёнида бирга туриб Ҳақиқат учун, Адолат учун, бу ёруғ оламда Инсон боласи бўлиб, Муносиб ҳаёт кечириш учун фикрлар дунёсига фарқ бўлгинг келди.

Жуда кўплар бизни қиёфамизданми, нимагадир ўхшатишди. Шу қадар хурсанд қилади мени бу сўзлар ва, назаримда, бизнинг ўхшашлигимиз (роостдан ҳам ўхшасак агар) ота-оналаримизнинг қиёфалари, сийрату суратлари билан боғлиқдир, деб уйлайман. Гулмира оддий, камтарона яшашга одатланган, шу билан ҳалоллик бутун вужудларига сингиб кетган ўзбек зиёли хонадонидан тарбия топган.

Ҳаётда ҳар хил воқеалар бўлиб туради — ҳаётда бу: шодликлар, тушунмовчиликлар. Биринчи бўлиб Гулмирага телефон қиламан. Гулмира мени шу қадар яхши билади ва тушунадики, менинг оғриқларимни шу қадар ўзига яқин оладики, гоҳида йиғлаб юборишга ҳам тайёр туради. Менинг оилма, ундаги ғалабаларимиз шу қадар хурсанд қиладики уни, қувончи, шодлигини сайералар ҳам, юлдузлар ҳам эшитишди.

Бу ўтқинчи дунёда яхши бўлишдан ортиқ бахт йўқ, аслида. Ижодкор учун, айниқса... Имон ва Эътиқод бутунлиги... жуда муҳим касбимизда. Бу сўзларни байрамимиз баҳонасида ҳам ёзганман, чунки Гулмиранинг айни шу сифатларидан ёшларимиз ибрат олишларини жуда-жуда истаймиз. Ўхшаса, Гулмирага ўхшасан ҳар бир ижодкор.

ЁМҒИРЛАРДА ҚОЛДИ ҲИСЛАРИМ...

Ишчилар шаҳарчаси энг кўп курсатувларим ёзилган макон бўлгани учундир, эҳтимол ёки болагимизнинг ширин хотираларини яна эслагим келдики, кечаги 96-мактабдаги тadbирдан ярим соат аввал бориб, май ёмғири дилбар ва сокин қўшиқларини айтиб турган лаҳзаларда кўчаларни айландим.

Тўрт ёшда холамнинг тўнчи фарзандлари туғилганида, бешик тўйи муносабати билан боғанимиз, тоғамнинг қизлари билан кўчани айланиб, маҳаллани ўрганишга қирғишганимизни ёдлаш учун бордим, аслида. Болагимизнинг дунёси галати: унг томондагисам, чап томонда яшайдиган қўшни хонадон қизқиртар биз иккита жамаласоқ қизни... бир-биримизга пичирлаб: "Деразаларга парда тутишмас экан", "Биров расм чизиб ўтирибди", "Тавба, гилам ҳам солашмас экан", "Нега булар туғилди қориди?" деб айтганимиз ҳам худди кечагидек ёдимда. Инсон хотираси галати нарса. Бизнинг Эски шаҳардаги ҳаётимиздан тубдан фарқ қиладиган бу ниҳоятда замонавий турмуш тарзини қабул қилганимиздан, деразани тақиллатиб қочардик... Қачон борсак, шу

ишни доимий қилганимиз ҳам... Деразаларга парда тутилмайдиган, гилам солинмайдиган уйда биров расм чизиб ўтириши, тагин яққиллаган туғилди юришини, табиийки, бизнинг болалик тасаввуримиз қабул қилолмаган. Кейин кўп вақт ўтмай, бир ёшгина гўзал қиз чиқиб: "Каримочка, твои родственники не дают папе работать" мазмунида бизни тартибга солиш учун шикоят қиларди. Гўзал эди ўша қиз... Спортчи эди... Назокат билан юриб келишлари, қулғи олдидаги жингалак гажаклари бизни ўзига ром эттарди... ва ўша тартибга қақришлари ҳам табиий, бир меҳр бор эди... Билмайман, менга шундай туюларди. Чунки кейинги гал боғанимизда яна унинг чиқибини истардик кўнгилдан... Ўзбекистон халқ рассоми Александр Винарага (кейин билганман исм-шарифларини), ижод қилаётган ижодкорга халақит берганимизни оқламоқчимасман. Кейинчалик Ирина Винара — айни ўша бизнинг оптимиздан чиқадиган гўзал қиз эканини билганимиз учун жуда кўп вақт ўтди. Биз бу хонадондан жуда ўзилиб кетгандик... Қолаверса, турмушга чиққан, тўрт фарзандим... ўзим билан ўзим овера бўлиб кетганман.

Болагимизнинг ширин хотираларига эргашиб бордим бу кўчага. Боғирарон 2-тор кўчаси бўлибди. Бувим, холаларим, уларнинг қизлари, катта тоғаларимнинг рафиқалари, узоқ-яқин қариндошлар билан келиб-кейтиб юрган кўчаларимиз, келиноилларим, ҳаммаларини эслаб, бироз йиғлаб ҳам олдим... Ёмғирлар юрди кўз ёшларимни. Холамнинг қайноналарини Офтоб опани эсладим. Узун айвонда ўтириб, баланд-баланд овозда рус тилида сўзлардилар, кўларидан ҳаммиша сигарета билан ўтирардилар... Гоҳ у фарзандини кўтиб олар, гоҳ бу фарзандини (кейинчалик ишим сабаб улар билан кўп учрашдим). Ҳаммалар катта-катта лавозимларда ишлашар, ниҳоятда мағрур, ақли кишилар бўлишган) кўтиб олар, сўзлариди улар билан, қаттиққўллиги сезилиб турар, назаримда, турмуш ўртоқларига ҳам қаттиққўл эдилар... Хонадон соҳиби, сочлари оппоқ, ниҳоятда савлатли инсон, генерал-майор... Ўзбекистон Ички шайлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаганига қарамай, хотинини тинглар, уни тингларди... Убайдулла Саидов, бизнинг ҳам жойларини қанчалар дўстим!

Бордим... болагимизни эслаш учун, о, қанча яёв юрганимни билсангиз эди! 33-йи эшигини тақиллатдим. Қўдрат ака қовиддан вафот этганлари, ҳозир ҳеч ким йўқлигини, қизлари келиб-кейтиб туришганини айтишди... Ўзоқ турдим. Ғала-говурли, серфарзанд хонадон, унинг ёзуғ ва кўркам кишиллари... Ҳозир эса ҳеч ким йўқ... Ҳаёт галати нарса-да, ўтиб кетавераркан. Ёнидаги ўй икки қаватли қилиб қурилибди, баланд арчалар деразаларини беркитиб турибди. Яна бўлса, деразасини тақиллатиб қочардим. Лекин бундай қилиб бўлмайди... Қўриқчилик билан инсоний бўлалик экан, ҳикоятларини тинглаб, менга хайрихоҳ бўлишди. Ёмғирларда қолди менинг ҳисларим...

Менга бошқа ҳеч нарса керакмас. Қадрдон ҳовлимиздан Наврўз баҳона бир даста бинарша териб келдим. Сал кечроқ... Шунга қарамай, гўлдасга қилишдан ўзимни четта тортолмадим... барибир ширин туйғулар беради менимча. Бинаршанинг иси 8 март арафасида жуда нафис бўлади, ёнидан ўтиб кетолмайси... Жуда ҳам беозор гул, чамандек очилиб ётаверади.

...2-синфдаман, шанба кун дарсдан кейин бувимникига борадиган бўлдим. Мактабимизнинг орқа эшигидан чиқиб, Ҳўжалик деган кўча ёқалаб, Коммунистлар қабристонининг ёнидан ўтиб, Чигаётдаги бозордан нон сотиб олиб, бувимникига кетяман... Шойиб-чопиб, чопиб-шойиб... Бувимни эслашга ҳаракат қиляпман ҳозир: мени кўтиб олсалар ҳам, кузатсалар ҳам, йиллардилар. Ўшанда тушунмасдим "нега йиғлайверадилар?" деб. Майин кўплари билан сочларимдан силардилар, кўларимдан силардилар. Менимча, назарларидан биздек набираларидан чиқибди қизлар ўзи дунёда йўқ эди. Ҳар бир хатти-ҳаракатимга қараб турардилар, дастурхон атрофиданми... кўпроқ ейишим керак эди. Лекин чойни ҳам тезроқ ичимни кераклигини айтиб турардилар. Келиноилларим-чи... Войбу, бу илтифотни кўрмабис... Келиб-кетгунингизга минг марта айланиб ўргилишарди, уларидидаги энг миноройли нарса сизники бўларди. Чойни дам-бадам пиёланинг тағида узатиб, кузатиб ўтиришар, бирлари

Менга бошқа ҳеч нарса керакмас. Қадрдон ҳовлимиздан Наврўз баҳона бир даста бинарша териб келдим. Сал кечроқ... Шунга қарамай, гўлдасга қилишдан ўзимни четта тортолмадим... барибир ширин туйғулар беради менимча. Бинаршанинг иси 8 март арафасида жуда нафис бўлади, ёнидан ўтиб кетолмайси... Жуда ҳам беозор гул, чамандек очилиб ётаверади.

...2-синфдаман, шанба кун дарсдан кейин бувимникига борадиган бўлдим. Мактабимизнинг орқа эшигидан чиқиб, Ҳўжалик деган кўча ёқалаб, Коммунистлар қабристонининг ёнидан ўтиб, Чигаётдаги бозордан нон сотиб олиб, бувимникига кетяман... Шойиб-чопиб, чопиб-шойиб... Бувимни эслашга ҳаракат қиляпман ҳозир: мени кўтиб олсалар ҳам, кузатсалар ҳам, йиллардилар. Ўшанда тушунмасдим "нега йиғлайверадилар?" деб. Майин кўплари билан сочларимдан силардилар, кўларимдан силардилар. Менимча, назарларидан биздек набираларидан чиқибди қизлар ўзи дунёда йўқ эди. Ҳар бир хатти-ҳаракатимга қараб турардилар, дастурхон атрофиданми... кўпроқ ейишим керак эди. Лекин чойни ҳам тезроқ ичимни кераклигини айтиб турардилар. Келиноилларим-чи... Войбу, бу илтифотни кўрмабис... Келиб-кетгунингизга минг марта айланиб ўргилишарди, уларидидаги энг миноройли нарса сизники бўларди. Чойни дам-бадам пиёланинг тағида узатиб, кузатиб ўтиришар, бирлари

Менга бошқа ҳеч нарса керакмас. Қадрдон ҳовлимиздан Наврўз баҳона бир даста бинарша териб келдим. Сал кечроқ... Шунга қарамай, гўлдасга қилишдан ўзимни четта тортолмадим... барибир ширин туйғулар беради менимча. Бинаршанинг иси 8 март арафасида жуда нафис бўлади, ёнидан ўтиб кетолмайси... Жуда ҳам беозор гул, чамандек очилиб ётаверади.

"Настинька" деб эркалашар, иккинчилари ўтирган кўрпачамни, ёстигимни текислашар, нима қилишса-ю мени хурсанд қилишса... Мен-чи, мен нима билан қайтардим шу одамларнинг меҳр, муҳаббатларини... Арзийдиган бирор иш қилганим йўқ, аслида. Азоб беради шу нарсалар...

Эртаси кун яқшанба тушқидан кейин мени кузатиш маросими бўлиб, унга ҳамма чиқиб, мени кузата бошлашди... Эндигина кўчага кетаётганимизда, бувим войвоилаб қолдилар: "...Абдулла, сен югур, лопаткани олиб кел, бинаршадан олиб бер... Ҳабибулла, сен ялпис кўчатидан олиб бер..." Кейин Абдулла амамининг мотоциклларига ўтқизишган, келганман, кўлимда бувим менга илинган целофанга ўралган кўчатлар. Шундай хурсанд бўлиб келяпман... Чунки бир умр ҳавасим келарди ҳовлисидан бинарша ўсадиган синфдошларимга. Энди менам олиб борадиган бўлдим-да уларга.

Шу-шу ҳовлимизда бинарша ўсадиган бўлди. Мактабда ўқиб юрганимда "Бинарша" деган шеър ёзганман ва у "Ленин учкун" газетасида чикқан. Ҳамза Имонбердиев (Охиратлари обод бўлсин) жуда ҳайратга тушиб ўқиб берганлар, Абдуссаид ака Кўчимовга ҳам жуда ёққан экан, ушбу газетада масулул котиб эканлар ўшанда, айтдилар-да боғанимизда: "Яхши шеър бўлгани учун иккита катта шоирнинг шеърлари ўртасига қўйиб чиқардик..."

Уша бинаршага, ялписдан бугун бизнинг Кўкчадаги ҳовлимизга ҳам келган. Ҳалима опанинг бир лутфлари бўлар эди: "Ҳар бир майсага "Салом" дегим келад!" деган.

"Салом, бинаршалар!", "Салом, ялписим!" дейман уларга қараб... Бувимнинг жойлари жаннатдан бўлсин!

Бу қандай қаро кун бўлди? Иброҳим Ҳаққул бизни ташлаб кетибдилар. Тонгим бошланувди бир ажойиб... Сўзларимни айтмоқчидим... бир орзуларимни! Хурсанд бўладилар, деб ўйлабман...

Навоий идеалларини дажжоллик оддий аъмолга айланиб қолган, шафқатсиз, адолатсиз замондан йиғилган устозимиз, наҳотки бизни ташлаб кетдингиз?! Энди кимга айтаман дардимизни, юрагимизни?

Бу авлодди "ёмон советлар" тарбия қилганди, "мустақиллик" учун курашганлар шунлар эди, жонини берганлар шунлар эди. Мустақиллик эса уларнинг бошларини қундага олиб тиради, қундузларини тунга айлантди, ҳаётларини ҳар кун ки улуста турарди, сўзни ҳам ўйлаб гапирардилар, фарзандларини бошини кўтаролмай яшадилар, энг сеvimли фарзандлари эса...

Эй, сиз, бошларини ерга уриб додлаган аёллар, бугун тутинглар азани!

Авлодлар, кўларингизни очинглар! Йиғлаганда шулар учун йиғланглар, бизи ўзининг нафиси йўлида сотган, саломингга ҳам алик олмайдиған, "ғоявий душман" деб билган...ларга ҳам йиғлаб-сиқтаб ёзиб ўтирасизлар баъзан. Бунақа яхши бўлманглар. Бир ажойиб авлод бирин-кетин кетяпти. Улуғ инсон кетяптилар бизни ташлаб.

АДАМ ҲАЁТ БЎЛГАНЛАРИДА...

Кеча кун бўйи кўнглимга қил ҳам сизмади. Уйга кирдим, ҳовлига чиқдим, райхонларим қаршига қўчдим... "Адам тирик бўлганларида, кечаги кунни кўрганларида" деб...

Икки кун аввал Дилфуза опамларнинг таваллуд кунларини нишонладик. Бу кўтулғ санага Дилфуза опа имонли, эътиқодли турмуш айтиди, меҳрибон, бутун қалби билан бизга жон ачийдиган тавозели қудалар, ақли, меҳнаткаш кўзи, шодлиги ҳам, қувончи ҳам сизники, қуйсангиз сочидан бошлаб то ерга теккунда қуядиган меҳрибон келин, бир-биридан асал набиралар, минглаб шоғирдилар, "фан доктори, профессор" унвони билан етиб келдилар.

Кеча эсладик яна... биринчи синфда ўқитувчимиз София опа Дилфуза опамга қирқ нафар ўқувчининг сиёҳдонини ишонганини, кеча яқин уларни столга тизиб, ҳаммамиз сиёҳ қўлиб чиқшимиз, кейин эрталда уларни бир сумка қилиб олиб кетишларини... Эсладик, мактабимиз директори, уруш қатнашчиси Ҳамидулла ақанинг олтин медал таълим тарбияси маросимидида сўзларини: "Ҳаётимда биринчи бор шундай воқеага дуч келишим, журналларни қараб чиқдик. Дилфуза бирон кун ҳам дарс қолдирмаган, бирон марта ҳам "4" баҳо олманган экан", деган сўзларини.

Нисанисини айтасиз, бизнинг жамиятимизда фан доктори, профессор бўлиш... жуда қийин, жуда ҳам



қийин... Қирқ ёшдан ўтар-ўтмай фан доктори бўлдилар опам. Шароф Рашидов "Ўттизига бормаи профессор бўладиган қиз экан" деган эканлар дастав-ла кўрганларида ва топириқ берганлар Оқилхон Салимовга: "Шу қизга қаранглар", деб... Шунга ҳам қирқ йил бўлди...

Дилфуза опам Сурхондарёнинг Денов туманидаги Ҳазарбоғ совхозида туғилганлар. Бир кун илгари бувим борибдилар Тошкентдан, яқшанба кунни бўлган — адамлар Термизга бориб келганлар ва эрта тонгда бомдод намози ўқилаётганда дард бошланган ва иккаларини секин йўлга тушишган. Тўрттагина хонаси бор доялик пунктда. Шу қадар иссиқ бир кунда. Телалиқда экан бу доягона. Амударё кўриниб тураркан, у ёни Афғонистон... Менга бир умр шу воқеа қизиқ бўлиб қўринарди. Адамлардан сўрадим: "Ада, у ёни Афғонистонда, сиз душманлардан қўрқмадингизми, нега телалиқка чиқардингиз, нега дарёнинг олдида бордингиз, сизни отиб ташлашса нима қилардингиз?" деб қуйиниб ўтирдим.

Ҳозир ўйлайман мусофирчиликда ота-онамга нақадар қийин бўлганини. ТошМИ дипломини олиб, адам Сурхондарёга кетганлар, кейин уйланиб, опамларни ҳам олиб кетганлар. Тасаввур қилолмайман ҳозир бу ҳолатини, юз нафар қариндош-ўруғларимиз кузатгани чиққан экан вокзалга. Улар икки ёш қирқ кунлик чақалоқни олиб, поездга ўтиришган, тунда етиб ботган поезд Деновага, станцияда тунаб қолишган, нотаниш одамлар уйларига олиб кириб кетишган, нотаниш одамлар уйларига ва чақалоққа қарашган. Кетар чоғларида бир сумка совга-салом билан кузатишган ўша нотаниш одамлар. Кейин ҳеч қачон қўришмаган бир-бирларини. Опам дастурхонни ҳар гал меҳмонларга солганларида, шунини эслар: "Буни менга Деновадаги станция яқинида турадиган аёл совга қилган", дегдилар... Менимча, ҳали ҳам бор шу дастурхон... зер теласидан тайёрланган ҳашамдор дастурхон... Оппоқ дастурхон...

Минг бир қийинчиликлар бўлган мусофирчиликда, шу қийинчиликларни кўриб улғайишган опамларим... Жуда кўп қийинчиликлар... Шунинг учун улар иродалироқ, собитроқ, жасоратлироқ мендан кўра. Адам ҳаёт бўлганларида... Эҳҳе, қанча қувонардилар, дедим. Дилфуза опанимни кўриб. Жойлари жаннатдан бўлсин! Дилфуза опамга узоқ умр, янги зафарлар, "академик"лик матлабини ҳам тилаб қоламан.

"Мен кимман?" деб ўйлайман доим. Одамлар мени жудаям кучли аёл деб билишади: кучлиликни қўлчира қўриқтиди, хайитқиради, ҳол-буки, мен бундай қўриқиниши сира истамайдим. Но-зиқлигимни тушунишларини истаб яшайман. Чунки жуда ҳам инча, жудаям нозик қўлғилли одамман. Аслида, бутун ҳаётим уй юмушларини аъло даражада бажариш, жианларимни катта қилишда опаларимга қўмақлашиб, яқинларимга қўлимдан келганча ёрдам беришга интилиш билан ўтди. Булар менинг феъллимга ҳам сингиб кетган. Агар кўчада икки-уч соатдан кўпроқ қолиб кетсам, фарзандларим олдида ҳам, уйим, оилам олдида ҳам гуноҳкордек сезаман ўзимни. Йиғлаб юборишим ҳам мумкин.

Ҳаётим хавфсизлигим муҳтарам шахслар, буюқ инсонларни ўзимдан ҳам кўра кўпроқ уйлантирган. Бугунги кунгача сиёсатнинг "катта ўйларини"ни ҳамон тушунмайман. Тушунини истамайман ҳам. Ҳаёт мени кўпроқ йиғлатдики, қувонтирдики, билмайман бунга ҳам. Шунин биланми, бахтли одам эканман! Қадрайдиган, севадиган, мени ҳеч қачон синишимга йўл қўймайдиган қадрдонларим бор! Инсонларни тушуниши, гўзаллигини идрок этишини, бахтга фақат ва фақат тўғри йўлдан боришни хоҳлайман — шу! Ошхона ва кутубхона орасида умргузаронлигим... Бошқа нарсаларни орзу қилмайман. Саёҳат қилишни ва Кузни севаман. Ва Тошкентни...

Юқорида Гулмира Мусаёнова — дардимни тўкиб солишим, узоқ суҳбатлар қуришим мумкин бўлган азиз ҳамкасбимга айтмоқчи бўлган дил изҳорларим баҳонасида беихтиёр ўз кўнгли кечинималарим-да қозғога тушди...

Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон – Хитой муносабатлари нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки маданий-маърифий йўналишларда ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ҳақда Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фаргона вилояти бўлими ва Хитойнинг "СНС" ахборот агентлиги Шинжон бўлими вакилларининг навбатдаги ишчи учрашувида алоҳида таъкидланди.



Бизнинг ахборотлар Ўзбекистон, жумладан, Фаргона вилояти ОАВларида ва ўз навбатида, сизлар юбораётган юртингиздаги ислохотлар, икки давлат муносабатларидаги уйғунлик ҳамда Хитой сармоясини иштирокида фаолият юритаётган корхоналар ҳақидаги мақола ва видеоэпоортажлар "СНС"нинг интернет тармоқларида тарқатилаётгани халқимизнинг бир-бирини янада яқинроқ билишига хизмат қилмоқда, — дейди "СНС" ахборот агентлигининг Шинжон бюроси раҳбари Ли Дэхуа. — Биз бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдоримиз. Шу мақсадда келгуси йил Оқ-Сув шаҳрида бў-

Тойлоқ туманида атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог, жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Махмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тadbирлар ташкил этилди.

Вилоят ва Тойлоқ тумани ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган тadbирлар Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан ўтказилган тadbирлар Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги муносабати бил

✓ **ҚУТЛОВ**

TuronBank | 35 yil Siz bilan birga

Yangi 2026 yilingiz bilan!

“Turonbank” ATB jamoasi O‘zbekiston xalqini kirib kelayotgan Yangi yil bayrami bilan chin qalbdan tabriklaydi!

Yangi yil hayotingizga barqarorlik, ishonch va yangi moliyaviy imkoniyatlar olib kelsin.

2026-yil siz uchun moliyaviy o‘shish, mustahkam hamkorlik, oqilona sarmoyalar va barakali daromadlar yili bo‘lishini tilaymiz.

1220 | turonbank.uz | XIZMATLAR LITSENZIYALANGAN

✓ **ЖИНОЯТЧИЛИКДАН ХОЛИ ХУДУД**

ОСОЙИШТАЛИК ОРТИДА КИМ ТУРИБДИ?

Наманган вилоятининг Мингбулок туманидаги “Қирқчек” маҳалла фуқаролар йиғинида, икки йилдирки, умуман жиноятчилик содир этилмади. Шу боис у вилоятдаги жиноятчиликдан энг холи ҳудуд, дея тан олинди. Маҳалла профилактика инспектори, катта лейтенант **Миразиз Раҳимов** бунга қандай эришмоқда?

Маҳаллада 3200 нафардан ошди аҳоли истиқомат қилмоқда. Тўғри, маҳаллада ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди. Уларнинг аксарияти жамоат тартибини бузиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш билан боғлиқ. Ҳуқуқбузарларнинг барчаси қатъий назоратга олинган бўлиб, улар билан йил давомида тарбиявий-назорат ишлари олиб борилди. Натижада уларнинг жиноят йўлига кириб қолмасликларига эришилмоқда.

Миразиз Раҳимов 2021 йилдан буён ушбу маҳаллада хизмат олиб боради. У янги иш бошлаган пайтларида ҳудуддаги битта ошхонада 3 та назорат камераси бор эди, холос. Энг аввало, ишни шундан бошлади. Маҳалла аҳолиси билан келишган ҳолда 7 та бино ва маҳаллага кириш жойларини жами 38 та назорат камералари билан таъминлашга эришди. Бунда ички кўчаларни ҳам исталган пайтда кузатиш имкони яратилди. Қолаверса, ҳар бир кўчанинг ўз кўчабошиси бор. Улар маҳаллада обрў-эътиборга, ҳурматга лойиқ инсонлар орасидан танлаб олинган. Бирор қор-қол бўлмасидан олдин тартибузарларнинг ҳаракатларини сезиш ва кўнгилсизликнинг олдини олишда ушбу оқсоқоллар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

— “Қирқчек” маҳалла фуқаролар йиғинининг энг осойишта ҳудуд сифатида тан олиниши бежиз эмас, — деди Мингбулок туман ИИБ ЖХХ ХПБ бош-

лиғи, капитан Жавлонбек Нишонов. — Бунинг замирида ҳар бир масъулнинг виждонан хизмат қилиши, айниқса, профилактика инспекторининг қатъиятли ва фидокорона меҳнати бор. Миразиз Раҳимов тезкор вазиятда ҳам, оддий кундалик иш жараёнида ҳам аҳолининг ишончини биринчи ўринга қўяди. Унинг жамоат билан доимий мулоқоти, ҳудудни ҳар томонлама билиши ва ҳар бир оилани эътибор билан кузатиб бориши жиноятчилик олдидаги энг кучли тўсиқдир. Биз унинг иш услубини тумандаги бошқа инспекторларга ҳам ўрнак сифатида кўрсатамиз. Шундай инспекторлар сони қанча кўп бўлса, туманимизда хавфсизлик шунчалик барқарор бўлади.

— Бирор қор-қол бўлса, аҳоли энг аввало менинг ҳузуримга ошиқади, — деди қаҳрамонимиз. — Унинг муаммоси, балки, бошқа соҳага тааллуқли бўлса ҳам имкон қадар амалий ёрдам

кўрсатишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, тўй борми, аза борми, ҳамма тadbирларда шунчаки иштирок этмай, халқимиз билан елкама-елка тураман. Дам олиш кунлари ҳам маҳаллани айланиб чиқаман. Кимдир кўчасида бирор иш билан банд бўлса, дарров кўраб кўриб чиқаман, кимнингдир гапига кулоқ солиб, ҳамфикр бўламан. Шу боис кўшнилариимиз ҳам ҳурмат қилишади, менга ишонишади. Жиноят содир этишдан ўзларини тийишади. Муаммолари бўлса, у газак олиб кетмасидан биргалликда ҳал қиламиз.

Демак, профилактика инспектори билан халқ ўртасидаги масофани яқинлаштириш керак. Ички ишлар ходими айнан ўзи хизмат олиб бораётган ҳудуд аҳолисининг бир қисми бўлиши шарт. Шундагина ҳудудда жиноятчилик содир этилмайди.

Жаҳонгир ТЎХТАСИНОВ.
Наманган вилояти.

✓ **ХОРИЖ**

РЕКОРД ДАРАЖАДА ОЛТИН СОТИЛДИ

Россия ноябрь ойида Хитойга тарихда бўлмаган энг йирик ҳажмда — 961 миллион долларлик олтин етказиб берди. Бу ҳақда маълумотларга таяниб, “РИА Новости” хабар берди.

Октябрь ойида етказиб берилган олтин ҳажми бироз камроқ бўлган. Умуман олганда, 2025 йилнинг 11 ойи давомида Хитойнинг Россиядан импорт қилган олтини 1,9 миллиард доллар қийматни ташкил этади. Январь-сентябрь ойларида етказиб бериш ҳажми атиги 9 миллион доллар эди.

Таққослаш учун: 2024 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Россия Хитойга умуман олтин экспорт қилмаган, ўша йилдаги энг юқори кўрсаткич эса 223 миллион доллар билан чекланган.



2,76 МЛН БОЛА 5 ЁШГА ЕТМАСДАН ВАФОТ ЭТГАН

Сўнги йилларда 5 ёшгача бўлган болаларнинг омон қолиши дунёда катта ютуқ бўлди. Бироқ айрим мамлакатларда вазият ҳамон оғир. Инфографикада Африка мамлакатларида 5 ёшга тўлмаган қанча бола вафот этиши кўрсатилган.

ЮНИСЕФ маълум қилишича, ўтган йилларда бутун дунё бўйлаб 5 ёшгача бўлган 4,8 миллион бола вафот этган. Энг оғир аҳвол Африкада кузатилган. Бу ерда 2,76 миллион бола 5 ёшга етолмаган.

БМТнинг болалар ўлими кўрсаткичларини баҳолаш бўйича Идоралараро гуруҳи маълумотларига кўра, болалар ўлими улуши бўйича етакчи мамлакат — Нигер. У ерда болаларнинг 11,5 фоизи 5 ёшга етмай вафот этган. Нигерия, Чад ва Сомалида ҳам вазият ўта кескин: бу мамлакатларда ҳар ўнинчи бола 5 ёшга етмай ҳалок бўлади.

Европада эса энг юқори болалар ўлими Молдовада қайд этилган — тахминан 1,5 фоиз.



ПАРЛАМЕНТДА ДЕПУТАТЛАР МУШТЛАШУВИ

Куни кеча Туркия Бош ассамблеясида 2026 йил бюджети ва 2024 йил якуний ҳисоботини ўз ичига олган қонунлар бўйича овоз бериш жараёнида депутатлар муштлашиб кетди.

Жанжал Республика Халқ партияси фракцияси раиси ўринбосарининг Адолат ва тараққиёт партияси депутати ташланиши билан бошланган. Мажор қисқа вақтда оммавий муштлашувга айланиб кетди. Унда ҳар икки партиянинг бошқа депутатлари ҳам иштирок этган.

Бу Туркия парламентида содир бўлган илк муштлашув эмас. Хусусан, 2022 йилда ҳам бюджет муҳокамалари вақтида депутатлар ўртасида жанжал ва муштлашув юз берган.

Эсингизда бўлса, аввалроқ Арманистон Миллий мажлисининг навбатдан ташқари йиғилишида ҳукмрон ва мухолифат партия аъзолари ўртасидаги оғзаки баҳс муштлашувга айланиб кетганди.



ТАРИХДА БОЙЛИГИ 700 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШГАН ИЛК ИНСОН

2018 йилги мукофот пулларини судда қайтариб олгач, Илон Маскнинг бойлиги қарийб 750 млрд долларни ташкил этди. У 700 млрд доллардан ошқ бойликка эга тарихдаги биринчи одамга айланди. Бу ҳақда “Forbes” маълум қилди.

Хабарга кўра, Маск 600 миллиард долларлик чегарани босиб ўтганидан атиги тўрт кун ўтиб, Делавер олий судининг куйи инстанция қарори бекор қилиниши сабаб, ҳозирда қиймати 139 миллиард долларга тенг “Tesla” акциялари қайта тикланди. Суд қарори устидан муваффақиятли шикоятдан сўнг Илон Маскнинг умумий бойлиги рекорд даража — 749 миллиард долларга етган. “Forbes”нинг эизишича, 2024 йил январидан бери ушбу акциялар қиймати 50 фоизга камайтириб ҳисоблаб келинаётган эди. Энди эса бу чегирма бекор қилиниб, Маскнинг соф бойлиги 69,5 миллиард долларга ошди.

Қизиқ томони, бундан 10 йил аввал Маскнинг бойлиги атига 13,5 млрд доллар эди. Ҳозирда унга энг яқин таъқибчи Ларри Пейж (“Google”) 3 баробар камроқ бойликка эга.



ФАЛАЖ АЁЛ КОСМОСГА ПАРВОЗ ҚИЛДИ

Европа космик агентлиги муҳандиси, Германиялик Михаэла Бентхаус Америка тижорий космик компанияси “Blue Origin” томонидан ташкил этилган қисқа космик миссияда иштирок этди. Куни кеча у “New Shepard” кема-сида 11 дақиқа давом этган суборбитал парвозни амалга оширди. Бу ҳақда расмий сайтлар хабар берди.

Эътиборли томони шуки, Германиянинг Кил шаҳрида туғилган 33 ёшли Бентхаус белдан паст қисми фалаж бўлган ҳолда космосга учган биринчи инсон бўлган. У 2018 йилда велосипеддан йиқилиб тушиши оқибатида жараҳат олган ва шундан буён ногиронлар аравачасида ҳаракатланади.



УНИВЕРСИТЕТ СИЁСАТИГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

Сербиянинг жануби-ғарбидаги Нови Пазар шаҳрида минглаб талабалар ва фаоллар давлат университетларида юз бераётган босимларга қарши норозилик намоийши утказди.

Акция мамлакат бўйлаб талабалар томонидан бошланган норозилик ҳаракатининг бир қисми бўлди. Бу Нови Пазарда ўтказилган илк йирик талабалар намоийши ҳисобланади.

Ушбу норозиликлар ўтган йили Нови Сад шаҳрида темирйўл вокзалида том кулаб тушиб, 16 киши ҳалок бўлган воқеадан кейин бошланган чиқишлар билан боғлиқ. Нови Пазар талабалари аввалроқ ушбу ҳодисанинг бир йиллигида ўтказилган намоийшларда қатнашиш учун бир неча кун пиёда йўл босиб, бутун мамлакат эътиборини тортган эди.

Талабалар университет раҳбариятини норозиликларда қатнашган ёшларнинг талабалик мақомини бекор қилишда ва ўқитувчиларни ишдан бўшатишда айбламоқда. Уларнинг айтишича, икки юзга яқин талаба ўқш хуқуқидан айрилган, ўттиздан ортқ ўқитувчи эса ишдан бўшатишган. Намойишчилар раҳбариятнинг истеъфосини талаб қилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодиқ ТЎРАЕВ тайёрлади.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси уюшма аъзоси Собир Қурбоновнинг турмуш ўртоғи **Феруза РАҲИМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

БУХОРО ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

азиз ватандошларимизни, шу жумладан, университетимизнинг аҳил жамоасини, устозларимиз ҳамда келажагимиз эгалари бўлган талаба-ёшларни яқинлашиб келаётган Янги 2026 йил билан қутлайди.

Янги йилда ҳам ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қувончу шодликлар тилайди. Юртимиз ҳамиша тинч, хонадонларимиздан хотиржамлик, қут-барака аримасин!

Янги Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган улкан ислохотларга камарбаста бўлиш, жонажон она юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида хизмат қилиш, ёруғ ўзгаришларга, муваффақиятларга камарбаста бўлиш саодати барчамизга насиб этсин!

Янги 2026 йил янада омадли, баракали келсин!

2026



ЮРАК ТУБИДАГИ ЭНГ НОДИР ГАВҲАР

ЭЛ-ЮРТ ОРЗУ ҚИЛАЁТГАН ЖАМҒАРМА

1-6. Илмга чанқоқлик бугунги ёшларимизга хос энг улугъ фазилатлардан бирига айланб бормоқда. Фарзандларимиз қалбда ўқишга, илмли бўлишга иштиёқни уйғотаётган омишлардан бири — юртимизда таълим-тарбияга эътибор ниҳоятда кучаяётгани, давлат томонидан рағбат ва қулайлик яратилаётгани десак, муволаҳа эмас. Айтилдики, Аввалги 25 йил ичида давлат ҳисобидан 800 нафар йигит-қиз хорижга ўқишга кетган бўлса, биргина "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда 2 минг 300 нафар ватандошимиз шундай имкониятга эга бўлди.

Ахир дунёнинг манаман деган университетида ўзимизнинг қорақўлларнинг ажнабий тилда бурро-бурро гапириб, зўр талаба бўлиб ўқийётгани ҳар биримизда гуруру уйғотгани баробарида ота-оналарда ўз фарзандини улар қаторида қўришни истаётгани ҳам бор гап. Демак, бугунги кунда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали хорижда тахсил олаётган фарзандларимиз келгусида улар сафи янада кўпайишига туртки бўлиши табиий бир ҳол. Қўвонарли томони шундаки, 110 минг нафар ўғил-қизимиз хориждаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётгани Истиқлол берган ширин мева-лар, десак сира хато бўлмайди.

Мавриди келганда бир эслайлик, ҳув, ўша боболаримизнинг боболари хорижга ўқишга борганида бошига не-не қулфатлар тушгани ҳалиям юракларни зириллатади. Миллатнинг оидинлари юртини тараққий эттириш учун илми кадрларга эҳтиёж сезилаётганини англаб, ўша пайтда "Кумак" уюшмасини тузиб, маблағ тўплаб, қорақўлларни Германияга ўқишга юборишган. Аммо... 1922 йилда Туркистондан илк ўғил-қизлар гуруҳи Германияга ўқишга юборилгани, улар орасида бор-йўғи 2 нафар қиз — Марям Султонмуродова ва Хайринос Маждихоновлар борлигини тарихимиз қатлимида ўқиймиз. Афсуски, улар тахсил олиб юртга қайтган, мислизи қийноқ, қармоқ жазоси, баъзилари эса отиб ташлангани кишини даҳшатга туширади.

Мустақиллик, Ўзбекистон суверенитети халқимиз учун қанчалик қадри эканини ўша даврлардаги хунрезликлардан ҳам англаб олиш қийин эмас. Гоҳида гугурнинг бир тийинлигини рўқач қилиб, ўша кунларни қўсаётганлар, миллат ор-номуси, кадр-қиммати бир тийин бўлганини нахотки ўйлаб қўришмайди? Бугун давлатимиз томонидан фарзандларимизни илми, маърифатли ва етуқ профессионал кадрлар бўлиб воғая етиши учун қилинаётган ғамхўрликларни қўриб, ўша машум кунларни бир эса олиб қўйсак, ҳато бўлмас, ахир.

УСТОЗ, СИЗ ҲАҚ ЭКАНСИЗ...

Гулчехра опа тандирдан қил-қизариб пилган нонларни узиб олаётган пайтда мобил телефони жинглик қолди. У нонларни саватга жойлар экан, кўнгирак узоқ Японияда тахсил олаётган шоғирдидан эканини қўриб шошиб қолди.

— Ва алайкум, асسالом, Жаҳонгир, — дея олди, холос. Кўзларидан оқаётган шоққотар севинч ёшлари унга гапиришга изн бермасди.

Ўзи таълим берган ўқувчиси Япониядаги нуфузли университетда ўқитганидан қувонмай бўладими? Шоғирднинг муваффақияти устоз учун катта мукофот-ку! Шунинг учун ҳам Гулчехра муаллимнинг қувончи кўз ёшларга кўмилиб кетди. Бунга сезиб турган Жаҳонгир ҳам бирпас тин олди.

— Устоз, айтган гапларингиз тўғри чиқди, "одамзоднинг имконияти чексиз, ҳамма нарсага эришса бўлади" деган фикрингиз ўзини оқлади. Мен Японияда энг иқтидорли талаба-

Масалан, ҳозирги кунда бизнесдаги айланма маблағини миллион АҚШ долларидан оширган ёш тадбиркорлар сони 1,5 минг нафардан ошиб кетди. Эътиборлиси, қандай мутахассис ўз айланма маблағини миллион долларга етказса олади? Албатта, ўз соҳасини мукамал билган, илму салоҳияти ўткир мутахассис бундай улкан натижани қайд этади. Диплом учун эмас, илм учун ўқиш даври келди. Сандиқда чағир босиб ётган дипломларнинг эса ҳеч кимга кераги йўқ.

ланди. Ҳовлисиде бот яратди, унинг ишқомида етилган сархил узумларни қўриб, одамлар ҳавас қиладиган бўлди. Бир кунги ўғли унга: "Дада, сизга раҳмат!" деди. Ота эса: "Ўйқ болам, сенга раҳмат, сен ибрат кўрсатдинг", деди. Энди давраларнинг энг түри Нусратулланики бўлди.

Демак, гурунчи оталар даврасиям ёшлару катталар учун ҳам ибрат мактаби вазифини ўтапти. Ёшлар руҳиятини кўтаришда, уларга меҳнатга рағбат беришда кексалардан ўтадигани йўқ. Қайси маҳаллада кексалари донишманд, оқил ва доно бўлса, ўша худудда барака бор, оқибат бор.

Мана, биргина мисол, шаҳрисабзлик ёш тадбиркор Махлиё Маннонова бундан тўрт йил олдин маҳалла кексаларидан дуо олиб, турмуш ўртоғи Нодир Маннонов билан ироқи каштачилик, заргарлик буюмлари, миллий либослар каби бир неча турдаги хунармандчилик буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Бунга қаранки, тўрт йил ичида махсулотлар 50 турдан ошиб, Туркия ва Европа давлатларига экспортга чиқариш ҳам йўлга қўйилди. 200 нафар маҳаллий ёшларнинг доимий иш билан банд этилганини айтмайсизми? Ҳозир улар Қашми туманида 250 нафар хотин-қизни касбага ўргатишгаётган экан.

— Албатта, мен нуруний кекса отахонлардан дуо олиб шундай муваффақиятларга эришдим, — деди "Шаҳрисабз хунармандлар кластери" МЧК раҳбари Махлиё Маннонова. — Ўтган йили қилган озгина меҳнатимиз давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилиб, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу йил Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташириш чоғида у киши билан учрашш бағтига муяссар бўлдим. Ўзимнинг янги лойиҳаларим ҳақида маълумот бердим. Яқинда Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувидан иштирок этиш асосида, янада янги руҳ, шижоат олдим.

Жонахон юртимизда байрам шуқуҳи кезиб юрган шу мунаввар кезларда чуқур мамнуният билан баралла айта оламизки, ёшларимиз бизнинг фарҳимиз, гуруримиз ва ўзимизнинг оқу қораси. Уларнинг бутун дунёда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида қўлга киритаётган оламшумул ютуқ ва ғалабалари юртимиз шаъни, гурури ва обрў-эътиборини янада юксакларга кўтариб, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини оширмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида айтилганидек, "Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намойн қилиши учун зарур шaroитлар яратишдан иборат". Жонахон ва кадрлар юртимизни, муқаддас туғроғимизни севмиш, ардоқлаш, унга содиқ фарзанд бўлиш ҳар бир ёш авлоднинг муқаддас бурчидир. Шoir айтганидек:

**О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай сояנגга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алпшамсан бедаяоангга...**
Фахриддин БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



ДУО БИЛАН ЭЛ КЎКАРАР...

Оталар чойхонасида гурун қизигандан-қизийди-да. "Instagram" ёки "YouTube" дан ҳам бундай ажабтовур гапни топа олмайсиз. Маҳалланинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқиб бу гурунчи кексалар. Ғийбату кин-адоват йўқ бу сўхбатларда. Юракдан айтилади ҳамма гаплар. О, Неъмат ота, унинг гапи жуда кесир, ҳаммани озгина қаратади. Юзинг-кўзинг демай, тарбияси ёмон болаларнинг ота-онасини гап билан саваллайди, кирбдан керилиб кетган замонавий бойваччаларни бир гап билан ўтиргизиб қўяди. Полвон бўлмаганини, саломлашсангиз, қўлингиз уч кун оғриб юради. Бугун Неъмат ота янги гап топиб келди.

— Шу дейман, маҳалламизда бир тадбиркор йигит савоб ишга қўл урибди, — деди отахон соқолини тутамлаб. — Ким экан, аникроқ гапиринг, — дейишди даврадагилар.

— Ахроржонни айтганман, ўз маблағидан қишлоққа асфальт йўл тортиб келяпти. — Эй, шу йигитнинг отасига, — деди-ю, Неъмат отанинг гапи узилиб қолди.

Даврада Ахроржоннинг отаси Нусратулла ҳам мулазм бўлиб ўтирган эди. У ҳар кун ичиб юриши, гоҳида кўчаларда маст холда қолиб кетишини ҳамма билади. Шунинг учун "тадбиркорнинг отасига раҳмат" деган гапни айтишга отахонлар иккилашиб қолишди. Нусратулла ўр-нидан турди-ю, жўраларининг ҳой-хойлашига қарамай чиқиб кетди. Кексалар унинг ҳамиятига тегишган эди. Унинг ори келди. Узи дунёга келтирган, ўқитган, одам қилган ўғилга муносивот бўла олмаётгани учун ўксинди.

Гоҳида ўғил ҳам отага ибрат бўлади, десак, ҳато эмас. Шу воқеадан сўнг Нусратулла ичсини буткул ташлади. Бошқа одамга ай-

лар рўйхатиға кирдим. Буларнинг ҳаммаси сизнинг меҳнатингиз, сизга таъзим, азиз устоз! Нишон туманида бошланғич синфларга сабоқ бериб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган муаллима Гулчехра Бозорова мукофот олгандек қувонди. Унинг ҳар бир хорижда ўқийдиган шоғирдини унга берилган мукофот деб ҳисобласак, уни санашга бармоқлар етмайди. Ўқитувчи аслида шундай фидойий бўлса, шундай шоғирдлар тайёрласа, касбига садоқати, муҳаббати шу билан баҳоланади. Бугун юртимиздаги мактабларда ана шундай фидойий ўқитувчилар сафи тобора кенгайиб бораётганини битирувчиларнинг нуфузли олийгоҳлар талабаси қилаётгани мисолида кузатиш мумкин. Ёки ўтган йили мактабларни 14 миңдан зиёд ўқувчи олтин ва кумуш медаллар билан битиргани замирида ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнати муқассам эмасми? "Катта бешлик" фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар охириги тўрт йилда 2 қарра кўпайгани-чи? Ана шу рақамлар ортида ётган заҳмат ва уйқусиз тунлар миллат учун қайғуриш ва мамлакат тараққийети учун масъуллик шарафи десак, сира янглишмаймиз.

Гоҳида эшитиб қоламиз: "институтни муваффақиятли битириб, қўлимга дипломни олдим, лекин иш топа олмаяман..." "Ҳа, иш ўрни йўқ, шунинг учун ёшларимиз хорижга чиқиб кетган" дея уларнинг фикрини маъқуллайдиган кишилар ҳам топилади. Агар муаммога чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, аслида айб ўша ёш мутахассиснинг ишга лаёқати билан боғлиқ. Чунки яхши мутахассисга доим компания ва корхоналар эшиги ланг очилар. Улар етуқ ва зарур билимга эга мутахассисни жон-жон деб ишга қабул қилишади. Кўриниб турибдики, ишли бўлиш учун ўз касбини чуқур билиш ва катта салоҳиятга эга бўлиш талаб этилади.

бот, ички монолоғ ва тарихий хотира-нинг ифодасидир. Шухрат Ориф шеъриятида инсоннинг ички изтироби, хотира ва хотира-нинг тақдирга таъсири, тупроқ-юрт-ватан туйғуси, маънавий ёлғизлик мотивлари етакчи ўринни эгаллайди. Шоирнинг лирик "Мен"и доимо кузатувчи, фикрловчи, таҳлил қилувчи ва баъзан сукут орқали норозилик билдирувчи образдир. Бу "Мен" классик романтик пафосдан йўқоқ бўлиб, кўпроқ ички дунёга инъиртилган интроспектив характерга эга. Лирик субъект воқеаларни тасвирламайди, балки уларни шуридан ўтказиб, психологик-руҳий таъсир яратади. Шоирнинг тили содда, аммо маъно доираси ниҳоятда бой. У халқ тили

билан бадий тилни синтез қилади, сунъий метафоралардан ва ортиқча ифодалардан қочади. Сўз унинг учун пафос эмас, хотирадир; сўз туйғунини яширмайди, аксинча, мазмунни очади. Бу эса поэтик самимиётнинг асосий белгиларидан биридир.

Унинг поэзиясида йўл, тун, сукут, шамол, юрт каби образлар архетипик характер касб этиб, шоирнинг индивидуал поэтик дунёқарашига янги семантик ранглар олади. Аиникса, сукут ва тун образлари ички ёлғизлик ва тафаккур теранлигининг рамзи сифатида намойн бўлади.

Шухрат Ориф замонаг тирик мав-жудот сифатида муносабатда бў-

ЎЗЛИК



ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Туркистон тарихида шундай бир давр борки, у миллат тафаккурини уйғотган ва келажак сари йўл очган. Бу — жадидлар даври.

XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган жадидчилик ҳаракати мустақилчилик, сулҳ, саводсизлик ва ижтимоий турғунлик шароитида вужудга келди. Жадидлар миллат таназзулининг асосий муаммоси фикр ва тафаккур танқислигида эканини англадилар. Шу боис улар курашни маърифат тарқатишдан бошладилар.

Маърифий ислохотлар марказида таълим масаласи турди. Тараққийпарвар боболаримиз очган "усули жадид" мактаблари эски мактаб тизимидан тубдан фарқ қиларди: унда ёдлаш эмас, тушуниш; итоат эмас, фикрлаш устувор эди. География, тарих, табиий фанлар орқали жадидлар болаларга дунёни танитиди, уларнинг дунёқарашини кенгайтирди. Бу мактаблар миллий онг шаклланишининг дастлабки майдониға айланди.

Жадидлар фақат мактаблар очиб билан чекланиб қолмадилар. Улар матбуотни уйғониш минбарига айлантирдилар. "Тараққий", "Садоий Туркистон", "Ойна" каби нашрлар орқали жамиятдаги иллатлар очиб қилиб олинди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Фитрат, Чўлпон қаламида сўз қуролга, мақола эса ижтимоий таъхисга айланди. Уларнинг асарларида мил-

лат тақдири, виждон, масъулият ва озоқлик ғоялари марказий ўрин эгаллади.

Жадидларнинг энг илғор қарашларидан бири — аёлларни маърифатли қилиш ғояси эди. Улар аёлни фақат оила доирасида эмас, жамият тараққийнинг фаол субъекти сифатида қўрдилар. Қизлар таълими, аёллар ҳуқуқи ва ижтимоий мавқеи масалалари жадидлар учун асосий масалалардан бири бўлган. Чунки улар яхши билардилар: аёл — келажакни яратувчи фарзандлар тарбиячиси, аёлларни ўқитмай туриб, ҳеч қачон маърифатли жамиятни қўриб бўлмайди.

Бирок жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари сиёсий тизим учун ҳавфли бўлиб қўринди. Натижада бу ҳаракат шафқатсизларча бостирилди. Қатагонлар жадидларнинг жисмоний ҳаётига яқун ясади, аммо уларнинг ғояларини йўқ қила олмади. Аксинча, бу фикрлар тарихий хотирада янада мустақамлашди.

Жадидлар орзу қилган жамият — билимли, фикрлайдиган ва масъулиятни ҳис қиладиган жамият эди. Бу орзу бугун ҳам долзарб. Чунки жадидлар йўли — бу осон йўл эмас, аммо миллатни сақлаб қоладиган ягона йўлди.

**Райхон ОБЛОҚУЛОВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ўзбек филологияси факультети 1-босқич талабаси.**

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон "COMBAT JIU-JITSU" ва "GREPLING-AIGA" ассоциациясиға 2023 йил 7 февралда берилган 892р-сонли гувоҳнома ва "COMBAT JIU-JITSU" ассоциацияси аъзоларининг 2023 йил 4 январдаги навбатдан ташқари конференциясида тасдиқланган Низоми йўқолганлиги сабабли

БЕКБОР ҚИЛНАДИ.

Қўшимча маълумот учун телефон: +998 (33) 977-70-70

ЭЪТИФОФ



МОВАРОУННАҲРДАН ЭСГАН ШЕЪР НАСИМИ

Яқинда Тошкентга қилган сафаримда зиёли дўстларим билан мароқли сўхбатлар қурдим. Сўхбатимиз давомида даврамизда мен танимайдиган ёш бир йигит бор эди. Ўзини тутишидан тиббияли ва одобли эканини сезилиб турарди. Маълум бўлишича, у шоир экан. Тортинганича, Анқара шаҳрида турк тилида нашр этилган китобини менга сова қилди. Бу шоир — Шухрат Орифнинг "Мовий эрк" номли шеърлар тўплами эди.

Мен бу ёш шоирни озарбайжон ўқувчисига ҳам таништиришга қарор қилдим. Тўғри, у Озарбайжонда қисман танилган, бироқ ўйладимки, менинг қаламим орқали ҳам танишинлар. Шу тариқа, Шухрат Орифнинг поэтик олами сизнинг ҳузурингиздадир.

Мароқли жиҳати шундаки, Шухрат Орифнинг мавзу ва ғоявий қарашлари тизимли характерга эга. Унинг поэтик тафаккури асосини инсон-замон-тақдир муносабатлари ташкил этади. Шоир учун шеър фақат эстетик ҳодиса эмас, балки маънавий ҳис-

бот, ички монолоғ ва тарихий хотира-нинг ифодасидир. Шухрат Ориф шеъриятида инсоннинг ички изтироби, хотира ва хотира-нинг тақдирга таъсири, тупроқ-юрт-ватан туйғуси, маънавий ёлғизлик мотивлари етакчи ўринни эгаллайди. Шоирнинг лирик "Мен"и доимо кузатувчи, фикрловчи, таҳлил қилувчи ва баъзан сукут орқали норозилик билдирувчи образдир. Бу "Мен" классик романтик пафосдан йўқоқ бўлиб, кўпроқ ички дунёга инъиртилган интроспектив характерга эга. Лирик субъект воқеаларни тасвирламайди, балки уларни шуридан ўтказиб, психологик-руҳий таъсир яратади. Шоирнинг тили содда, аммо маъно доираси ниҳоятда бой. У халқ тили



билан бадий тилни синтез қилади, сунъий метафоралардан ва ортиқча ифодалардан қочади. Сўз унинг учун пафос эмас, хотирадир; сўз туйғунини яширмайди, аксинча, мазмунни очади. Бу эса поэтик самимиётнинг асосий белгиларидан биридир.

Унинг поэзиясида йўл, тун, сукут, шамол, юрт каби образлар архетипик характер касб этиб, шоирнинг индивидуал поэтик дунёқарашига янги семантик ранглар олади. Аиникса, сукут ва тун образлари ички ёлғизлик ва тафаккур теранлигининг рамзи сифатида намойн бўлади.

Шухрат Ориф замонаг тирик мав-жудот сифатида муносабатда бў-

лади. Унинг учун вақт хронологик эмас, балки психологик ва фалсафий категория. Ўтмиш, ҳозир ва келажак бир-бирига қоришиб кетади, хотира эса поэтик матнинг асосий таркибий қисмиға айланади. Бу хусусият шоирнинг шеърларини постмодерн тафаккурға яқинлаштирса-да, миллий рўҳдан ажратмайди.

"Мовий эрк" китобидан ўрин олган шеърларда муаллиф, асосан, эркин шеър шаклиға мурожаат қилади. Ички ритм ва интонация асосида қурилган поэтик тузилишда ритм қиёфадан эмас, фикр оқимидан туғилади. Бу эса шеърларға янгича нафас бағишлайди.

Мисол учун, Шухрат Орифнинг "Қор. Мен. Ёр" шеъри замонавий ўзбек поэзиясида кам учрайдиган минималист поэтик намунадир. Атиги уч сўз билан кенг семантик майдон яратилади:

**Қор — поклик, совуқлик, сукут
Мен — ёлғиз онг
Ёр — севиғи, шиклик, ўчоқ**

Бу ерда совуқ ва иссиқ, ёлғизлик ва биргалик қарама-қаршилиги поэ-

тик тарзда ифодаланади.

"Қадр имлоси: эски бир чизик" шеъри эса метатекстуал характерга эга. "Имло" тушуначиси ўзгартириб бўлмайдиган илохий ёзув — қадр сифатида талқин этилади. Бундай шеърлар соқреалистик аънамага ёт бўлиб, ўзбек миллий шеърятининг ўз илдизларига қайтишини англатади.

Умуман олганда, Шухрат Ориф поэзиясида мавзу ташқи воқеалардан кўра ички муаммолар атрофида шаклланади. Шоир учун асосий поэтик объект инсоннинг ўзи эмас, балки инсоннинг замон, қадр ва хотира олдидаги мавқеидир.

Илк бор танишганим бу шоирнинг поэтик мероси мавзу жиҳатидан экзистенциал, лирик "Мен" нуқтдан назаридан интроверт, тил жиҳатидан минималист ва чуқур, ғоя жиҳатидан эса замонавий инсоннинг ички драматини акс эттирувчи яхлит поэтик тизимдир.

**Ғолиб САЙИЛОВ,
Озарбайжон Миллий фанлар академияси бош илмий ходими,
филология фанлари доктори.**

Манба: www.azadmedia.az

